

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ



“Ижодий фаолиятга ўргатиш методикаси”  
фанидан

ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА

Билим соҳаси:	100000 - Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	110000 – Педагогика
Бакалаврият йўналиши:	5111800 – Мактабгача таълим

Тошкент – 2012

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**“Мактабгача таълим” кафедраси**  
**“Ижодий фаолиятга ўргатиш методикаси ”**

фанидан

**ЎҚУВ - МЕТОДИК КОМПЛЕКС**

Билим соҳаси:	100000 – Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	110000 – Педагогика
Бакалавриат йўналиши:	5111800 – Мактабгача таълим

Тошкент – 2012

## **« Мактабгача таълим» кафедраси**

### **« Ижодий фаолиятга ўргатиш методикаси » фанидан**

## **ЎҚУВ УСЛУБИЙ КОМПЛЕКС**

Ушбу ўқув-услугий мажмуа “Ижодий фаолиятга ўргатиш методикаси” фани бўйича яратилган бўлиб, унда мазкур фаннинг ўқув дастури, ишчи дастури, маъруза машғулотларининг таълим технологияси ва семинар машғулотларининг таълим технологияси жамланган.

Мазкур ўқув-услугий мажмуа олий ўқув юртларининг бакалавр таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

**Тузувчи:**

**Ш.Хасанова**

Ўқув-услугий мажмуа Низомий номидаги ТДПУ Илмий кенгашининг  
2012\_\_ йил \_\_ \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - сонли қарори билан тавсия этилган.

## УСЛУБИЙ МАЖМУА МУНДАРИЖАСИ

- 1 “Ижодий фаолиятга ўргатиш методикаси” фани бўйича ўқув дастури.....
2. “Ижодий фаолиятга ўргатиш методикаси ” фани бўйича ишчи дастур.....
3. Таълим технологиялар ишланмаси.....
- 3.1 Лекция машғулот мавзулари бўйича.....
- 3.2. Семинар машғулоти мавзулари бўйича.....
4. Компакт диск.....

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM  
VAZIRLIGI**

**NIZOMIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA  
UNIVERSITETI**

Ro'yxatga olindi:

№ \_\_\_\_\_  
" \_\_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ 2012- yil

“Tasdiqlayman”  
Nizomiy nomidagi TDPU  
rektori \_\_\_\_\_  
" \_\_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ 2012- yil

**Ijodiy faoliyatga o'rgatish metodikasi**  
ishchi o'quv fan dasturi

Bilim sohasi: 100000 – Gumanitar soha  
Ta'lim sohasi: 110000 - Pedagogika  
Bakalavriat yo'nalishi: 5111800 – Maktabgacha ta'lim

**Toshkent – 2012**

**Kafedra nomi:**

“Maktabgacha ta’lim”

**Tuzuvchilar:**

Nurmatova.M.SH

– «Maktabgacha ta’lim» kafedrası dotsenti

Xasanova.SH.T

– «Maktabgacha ta’lim» kafedrası o’qituvchisi

**Taqrizchilar:**

A.Muxsievá

– TDPU «Pedagogika» kafedrası o’qituvchisi, p.f.n.

M.E.Inoyatova

– Qori Niyoziy nomli PFITI p.f.n, k.i.x.

Ushbu ishchi o`quv fan dasturi O`zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligidan (“O`zstandart” Agentligi) 2012 yil “\_\_1\_” fevralda 1296:2009 raqami bilan ro`yxatdan o`tgan 5111800 “Maktabgacha ta’lim va nolalar sporti” ta’lim yo`nalishining DTS hamda O`zbekiston Respublikasi Oliy va o`rta maxsus ta’lim vazirligining 2008 yil 23 avgustdagi 263-sonli buyrug`i bilan tasdiqlangan va № БД -5141700-4.02 raqam bilan ro`yxatga olingan “Ijodiy faoliyatga o`rgatish metodikasi” o`quv fan dasturi asosida ishlab chiqildi.

Ishchi o`quv dasturi Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti Ilmiy kengashida ko`rib chiqilgan va tasdiqlangan.  
2012 yil «\_\_» \_\_dagi \_\_sonli majlis bayoni.

## I. Kirish

Dasturda ijodiy faoliyatga o'rgatish metodikasi kursining maqsad va vazifalari, ijodiy tarbiya haqida tushuncha, ijodiy tarbiyaning nazariy asoslari, MTMsida bolalarni ijodiy faoliyatga o'rgatishning o'ziga xos xususiyatlari, bolalarga o'rgatiladigan ijodiy ishning mazmuni, ijodiy tarbiyani amalga oshirish vosita va shakllari, ijodiy faoliyatni o'yin jarayonida tashkil etish, ijodiy malakalarini shakllantiruvchi omillar, ish jarayonini loyihalash, innovatsion texnologiya usullaridan foydalanish, ijodiy natijalarini namoyish etish va baholash, bolalarni ijodiy faoliyatga o'rgatuvchi ish turlari, o'z-o'ziga xizmat, maishiy xo'jalik ishlari, tabiatda ishlash, qo'l ijodiyoti, o'quv ijodiyoti kabi masalalarni qamrab olgan. Dasturda ijodiy faoliyatga o'rgatuvchi shart-sharoitlar, bolalarni ijodiy faoliyatga o'rgatish usullari: jamoa bo'lib bajaradigan ijodiy, mustaqil ijodiy, yakka tartibdagi ijodiy, qiz va o'g'il bolalar ijodiyotidagi umumiylik va xususiylik, ijodiy faoliyat uchun zarur bo'lgan predmetlar turlariga oid masalalar yoritilib berilgan.

### 1.1. Fanning maqsadi va vazifalari.

Fanni o'qitishdan **maqsad** – talabalarda maktabgacha ta'lim muassasalarida bolalarning ijodiy faoliyatlariga rahbarlik qilishning metod va usullarini o'rganishga doir bilim, ko'nikma va malakalarini shakllantirish.

Fanning **vazifasi** – talabalarda qo'l mehnati malaka va ko'nikmalarni tarbiyalash hamda MTMda pedagogik talabni hisobga olish, buyumlarni yasash jarayonida oddiy asboblardan foydalanishga o'rgatish iborat.

### 1.2. Fanning o'zlashturishga qo'yiladigan talablar.

«Ijodiy faoliyatga o'rgatish metodikasi» o'quv fanini o'zlashtirish jarayonida amalga oshiriladigan masalalar doirasida bakalavr:

- talaba bu fanni egallashda qog'oz uning turlarini ajrata olish, qog'ozdan turli o'yinchoqlar yasay olish, qog'ozdan turli qirqish usuli asosida tasvir qirqa olish, mato turlarini ajrata olish, undan o'yinchoqlar tikish, to'qish (gilam, shapkacha, sharf, paypoqcha) guldasta yasash malakasini **bilishi kerak**;

- qog'oz va uning paydo bo'lish tarixi, qog'ozni qayta ishlash, bo'yash, ta'mirlash va undan har-xil buyumlar yasash texnologiyalari, qog'ozdan estaliklar yasash, bayramlar uchun ijodiy ishlar tayyorlash, xbilish kabi arakatli o'yinchoqlar tayyorlash yo'l yo'riqlari **ko'nikmalariga ega bo'lishi** kerak.

- oilada va maktabgacha ta'lim muassasasida bolalardagi ijodiy qobiliyatlarni shakllanganlik darajasini aniqlash va tahlil qilish **malakalariga ega bo'lishi** kerak.

### 1.3. Fanning boshqa fanlar bilan bog'liqligi.

«Ijodiy faoliyatga o'rgatish metodikasi» fani ixtisoslik fanlar qatoriga kirib, 5-semestrda o'qitiladi. Dasturni amalga oshirish o'quv rejasida rejalashtirilgan umumkasbiy (maktabgacha pedagogika, nutq o'stirish metodikasi, bolalarni tabiat bilan tanishtirish metodikasi, elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish

metodikasi, estetik tarbiya) va ixtisoslik (bolalarni maktabga tayyorlash metodikasi) fanlaridan etarli bilim va ko'nikmalarga ega bo'lishlik talab etiladi.

#### 1.4. Fanning hajmi va mazmuni.

<b>№</b>	<b>Mashg'ulot turi</b>	<b>Ajratilgan soat</b>	<b>Semestr</b>
1	Nazariy (ma'ruza)	20	V
2	Seminar	20	V
3	Kurs ishi	-	-
4	Mustaqil ish	44	V
	Jami:	84	

## II. Asosiy qism

### 2.1. Nazariy mashg'ulotlarning mavzulari, mazmuni va ularga ajratilgan soat

<b>№</b>	<b>Mavzular mazmuni</b>	<b>Mashg'ulotlar maqsadi</b>	<b>Ajr atil gan soat</b>
1	Ijodiy faoliyatga o'rgatish metodikasi fanining maqsad va vazifalari.	Fanning maqsadi vazifalari, boshqa fanlar bilan bog'liqligi.	2
2	Qog'ozdan buklash yo'li bilan o'yinchoq yasash ("Origami usuli").	Qogozni buklash yuli bilan o'yinchoq yasash xaqida qisqacha ma'lumot berish. Buklash uchun qogozlar.	2
3	Pape-mashe usuli. Pape-mashe usulida o'yinchoqlar yasash	Mashgulotlar uchun jixozlar tayyorlash. O'yinchoqlar yasashda pap'e-mashe usulidan foydalanish.	2
4	Maktabgacha ta'lim muassasasida qo'g'irchoq teatri va jihozlarini yasash.	Qo'girchok teatrining bolalar xayotidagi o'rni. Personaj va ekran tayorlashdagi talablari. O'zbek xalk ertaklari asosida personajlar yasash.	2
5	Maktabgacha ta'lim muassasalarida tabiiy va tashlandik materiallardan o'yinchoqlar yasash mashg'ulotlari.	Tabiiy buyumlar – danaklar, yongok puchogi, daraxt pustlogi, shoxcha. Qayta ishlash usullari. Tashlandik buyumlardan uyinchok yasash va bolalar bogchasiidagi axamiyati.	2
6	Kashta tikish. Kashtachilik tarixi va tayyorlash texnologiyasi.	Buyumli, bezakli va mazmunli kashtalar. Chok turlari: archa, ilmok, ilon izi va tugunzali. Zardo'zlik xunari bilan tanishtirish: ip tugnogich, kuz oynak gilofi, choynak yopgich, elpigich tikish.	2



7	Yumshoq o'yinchoqlar tayyorlash.	Yumshoq o'yinchoqlarni bolalar bogchasida o'yinchoqlar sifatida	4
8	Ilmoq bilan to'qish, xalqalar hosil qilish. To'qish texnologiyasi.	Ilmoq yordamida qo'girchoqlar uchun kiyim tukish. Jixozlar: sintetik paxta, jun iplari, ilmoq bilan tukish usullari. Kugirchok uchun buyumlar tukish.	4
<b>Jami:</b>			<b>20</b>

## 2.2. Seminar mashg'ulotlarning mavzulari, mazmuni va ularga ajratilgan soat

№	Seminar mashg'ulotlari mavzulari	Seminar mashg'ulotlar maqsadi	Ajratilgan soat
1	Qog'ozni bo'yash. Qog'ozdan buklash yo'li bilan o'yinchok yasash. («origami» usuli).	Qog'ozni bo'yash. Qog'ozdan buklash yo'li bilan o'yinchok yasash. («origami» usuli).	2
2	Qog'oz va karton uyinchoklarni konstruksiyalash. Qog'ozdan tabriknomalar yasash. Bayram sovg'alari va tabriknomalar. O'yin kulgular uchun jixozlar. Xarakatlanadigan o'yinchoklar.	Qog'oz va karton uyinchoklarni konstruksiyalash. Qog'ozdan tabriknomalar yasash. Bayram sovg'alari va tabriknomalar. O'yin kulgular uchun jixozlar. Xarakatlanadigan o'yinchoklar.	2
3	Qo'girchoq teatr turlari. Stol ustidagi teatr.Soya teatri. Qo'g'irchoq - qo'lqop.	Qo'girchoq teatr turlari. Stol ustidagi teatr.Soya teatri. Qo'g'irchoq - qo'lqop.	2
4	Somondan applikasiya.	Somondan applikasiya.	2
5	Archa uchun bezaklar yasash.	Archa uchun bezaklar yasash.	2
6	Yumshoq o'yinchoq bichish va tikish	Yumshoq o'yinchoq bichish va tikish	2
7	Navruz bayrami uchun ijodiy ishlar.	Navruz bayrami uchun ijodiy ishlar.	2
8	Kashtachilik, chok turlarini tikish. Gazlama va qog'ozdan gul yasash.	Kashtachilik, chok turlarini tikish. Gazlama va qog'ozdan gul yasash.	2
9	Maktabgacha ta'lim muassasasida mexnat burchagi.	Maktabgacha ta'lim muassasasida mexnat burchagi.	2
10	Maktabgacha ta'lim muassasasida «Bolalar ijodi» to'garagini tashkil etish	Maktabgacha ta'lim muassasasida «Bolalar ijodi» to'garagini tashkil etish	2
<b>Jami</b>			<b>20</b>

### 2.3. Kurs ishi (loyixasi) tarkibi, ularga qo'yiladigan talablar.

O'quv rejasida mazkur fandan kurs ishi yozish rejalashtirilmagan

### 2.4. Mustaqil ishlarning mavzulari, mazmuni va ularga ajratilgan soat

Talaba mustaqil ishini tayyorlashda o'quv fanining xususiyatlarini hisobga olgan holda quyidagi shakllardan foydalanish tavsiya etiladi:

- darslik va o'quv qo'llanmalar bo'yicha fan boblari va mavzularini o'rganish;

- tarqatma materiallar bo'yicha ma'ruzalar qismini o'zlashtirish;

- maxsus adabiyotlar bo'yicha fanlar bo'limlari yoki mavzulari ustida ishlash.

O'qituvchi rahbarligida auditoriyada va auditoriyadan tashqarida o'tkaziladigan mustaqil ish mavzulari (ma'ruza)

<b>№</b>	<b>Mavzular nomi</b>	<b>Soati</b>
1	Yumshoq o'yinchoq(xajmiy yarim. xajmiy miniatyura )	4
2	Quritilgan usimlik somondan applikasiya kompazitsiyasini tayyorlash.	4
3	Qo'g'irchok burchagi uchun gilam to'qish.	4
4	Mustakil badiiy faoliyat burchagini eskizini chizish.	4
5	«Ikebana»(Guldasta) tayyorlash	4
6	Tabiiy va tashlandiq ashyodan buyumlar yasash.	4
7	Origami usulida tabriknomalar yasash	4
8	MTMda bolalar ijodini kuzatish va o'rganish.	4
9	MTMda badiiy mexnat to'garagini tashkil etish.	4
10	MTMda qo'l mexnati mashg'ulotini kuzatish va taxlil qilish.	4
11	MTM bilan xamkorlikda yumshoq o'yinchoqlar ko'rgazmasini tashkil qilish.	4
	<b>Jami</b>	<b>44</b>

### 2.5. Fanni o'qitish jarayonini tashkil etish va o'tkazish bo'yicha tavsiyalar.

Talabalarni «Ijodiy faoliyatga o'rgatish metodikasi» fanini o'zlashtirishi uchun o'qitishning ilg'or va zamonaviy usullaridan foydalanish, yangi informatsion-pedagogik texnologiyalarni tadbiiq qilish muhim ahamiyatga egadir. Fanni o'zlashtirishda darslik, o'quv va uslubiy qo'llanmalar, ma`ruza matnlari, tarqatma materiallar, elektron materiallardan foydalaniladi. Ma`ruza, amaliy va laboratoriya darslarida mos ravishdagi ilg'or pedagogik texnologiyalardan (Aqliy xujum, Klaster, Loyixa, Veer)foydalaniladi.

## 2.6. Taqvim mavzuiy reja.

№	Mavzu	Ajratilgan soat	Mashg'ulot o'tiladigan hafta	Mashg'ulot turi	Fanlararo va fan ichidagi bog'liqlik	Ta'lim metodlari	Ta'lim vositalari	Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati	Mustaqil ish topshiriqlari
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	Ijodiy faoliyatga o'rgatish metodikasi fanining maqsad va vazifalari.	2		Ma`ruza	maktabgacha pedagogika, nutq o'stirish metodikasi, bolalarni tabiat bilan tanishtirish metodikasi, elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish metodikasi	Og'zaki, slayd	Didaktik vositalar	Adabiyotlar 1,2,3,4	Referat
2	Qog'ozdan buklash yo'li bilan o'yinchoq yasash ("Origami usuli").	2		Ma`ruza	maktabgacha pedagogika, nutq o'stirish metodikasi, bolalarni tabiat bilan tanishtirish metodikasi, elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish metodikasi, musiqa ta'limi metodikasi	Og'zaki, slayd	Didaktik vositalar	Adabiyotlar 1,2,3,4	Referat
3	Pape-mashe usuli. Pape-mashe usulida o'yinchoqlar yasash	2		Ma`ruza	maktabgacha pedagogika, nutq o'stirish metodikasi, bolalarni tabiat bilan tanishtirish metodikasi, elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish metodikasi, musiqa ta'limi metodikasi	Tarqatma materiallar	Didaktik vositalar	Adabiyotlar 1,2,3,4	Referat

4	Maktabgacha ta'lim muassasasida qo'g'irchoq teatri va jihozlarini yasash.	2		Ma`ruza	maktabgacha pedagogika, nutq o'stirish metodikasi, bolalarni tabiat bilan tanishtirish metodikasi, elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish metodikasi, musiqa ta'limi metodikasi	Og'zaki, slayd	Didaktik vositalar	Adabiyot 1,2,3,4	Referat
5	Maktabgacha ta'lim muassasalari da tabiiy va tashlandik materiallarda n o'yinchoqlar yasash mashg'ulotlari.	2		Ma`ruza	maktabgacha pedagogika, nutq o'stirish metodikasi, bolalarni tabiat bilan tanishtirish metodikasi, elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish metodikasi, musiqa ta'limi metodikasi	Og'zaki, slayd	Didaktik vositalar	Adabiyot 1,2,3,4	Referat
6	Kashta tikish. Kashtachilik tarixi va tayyorlash texnologiyasi .	2		Ma`ruza	maktabgacha pedagogika, nutq o'stirish metodikasi, bolalarni tabiat bilan tanishtirish metodikasi, elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish metodikasi, musiqa ta'limi metodikasi	Tarqatma materiallar	Didaktik vositalar	Adabiyot 1,2,3,4	Referat
7	Yumshoq o'yinchoqlar tayyorlash.	4		Ma`ruza	maktabgacha pedagogika, nutq o'stirish metodikasi, bolalarni tabiat bilan tanishtirish metodikasi, elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish metodikasi, musiqa ta'limi metodikasi	Og'zaki, slayd	Didaktik vositalar	Adabiyot 1,2,3,4	Referat
8	Ilmoq bilan to'qish, xalqalar hosil qilish. To'qish texnologiyasi .	4		Ma`ruza	maktabgacha pedagogika, nutq o'stirish metodikasi, bolalarni tabiat bilan tanishtirish metodikasi, elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish metodikasi, musiqa ta'limi metodikasi	Og'zaki, ko'rgazma	Didaktik vositalar	Adabiyot 1,2,3,4	Referat

9	Qog'ozni bo'yash. Qog'ozdan buklash yo'li bilan o'yinchok yasash. («origami» usuli).	2		Seminar	maktabgacha pedagogika, nutq o'stirish metodikasi, bolalarni tabiat bilan tanishtirish metodikasi, elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish metodikasi, musiqa ta'limi metodikasi	Tarqatma materiallar	Didaktik vositalar	Adabiyot 1,2,3,4	Referat
10	Qog'oz va karton uyinchoklarni konstruksiyalash. Qog'ozdan tabriknomalar yasash. Bayram sovg'alari va tabriknomalar. O'yin kulgular uchun jixozlar. Xarakatlanadigan o'yinchoklar.	2		Seminar	maktabgacha pedagogika, nutq o'stirish metodikasi, bolalarni tabiat bilan tanishtirish metodikasi, elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish metodikasi, musiqa ta'limi metodikasi	Og'zaki, slayd	Didaktik vositalar	Adabiyot 1,2,3,4	Referat
11	Qo'girchoq teatr turlari. Stol ustidagi teatr. ___Soya teatri. Qo'g'irchoq - qo'lqop.	2		Seminar	maktabgacha pedagogika, nutq o'stirish metodikasi, bolalarni tabiat bilan tanishtirish metodikasi, elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish metodikasi, musiqa ta'limi metodikasi	Og'zaki, ko'rgazma	Didaktik vositalar	Adabiyot 1,2,3,4	Referat
12	Somondan applikasiya.	2		Seminar	maktabgacha pedagogika, nutq o'stirish metodikasi, bolalarni tabiat bilan tanishtirish metodikasi, elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish metodikasi, musiqa ta'limi metodikasi	Og'zaki, slayd	Didaktik vositalar	Adabiyot 1,2,3,4	Referat

1 3	Archa uchun bezaklar yasash.	2		Seminar	maktabgacha pedagogika, nutq o'stirish metodikasi, bolalarni tabiat bilan tanishtirish metodikasi, elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish metodikasi, musiqa ta'limi metodikasi	Og'zaki, slayd	Didaktik vositalar	Adabiyot 1,2,3,4	Referat
1 4	Yumshoq o'yinchoq bichish va tikish	2		Seminar	maktabgacha pedagogika, nutq o'stirish metodikasi, bolalarni tabiat bilan tanishtirish metodikasi, elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish metodikasi, musiqa ta'limi metodikasi	Og'zaki, slayd	Didaktik vositalar	Adabiyot 1,2,3,4	Referat
1 5	Navruz bayrami uchun ijodiy ishlar.	2		Seminar	maktabgacha pedagogika, nutq o'stirish metodikasi, bolalarni tabiat bilan tanishtirish metodikasi, elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish metodikasi, musiqa ta'limi metodikasi	Tarqatma materiallar	Didaktik vositalar	Adabiyot 1,2,3,4	Referat
1 6	Kashtachilik, chok turlarini tikish. Gazlama va qog'ozdan gul yasash.	2		Seminar	maktabgacha pedagogika, nutq o'stirish metodikasi, bolalarni tabiat bilan tanishtirish metodikasi, elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish metodikasi, musiqa ta'limi metodikasi	Og'zaki, slayd	Didaktik vositalar	Adabiyot 1,2,3,4	Referat
1 7	Maktabgacha ta'lim muassasasida mexnat burchagi.	2		Seminar	maktabgacha pedagogika, nutq o'stirish metodikasi, bolalarni tabiat bilan tanishtirish metodikasi, elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish metodikasi, musiqa ta'limi metodikasi	Og'zaki, slayd	Didaktik vositalar	Adabiyot 1,2,3,4	Referat

1 8	Maktabgacha ta'lim muassasasida «Bolalar ijodi» to'garagini tashkil etish	2		Seminar	maktabgacha pedagogika, o'stirish metodikasi, bolalarni tabiat bilan tanishtirish metodikasi, elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish metodikasi, musiqa ta'limi metodikasi	Tarqat ma materiyalar	Didaktik vositalar	Adabiyot 1,2,3,4	Referat
--------	---	---	--	---------	--	-----------------------	--------------------	------------------	---------

### 2.7. Didaktik vositalar.

- **jihozlar va uskunalar, moslamalar:** elektron doska-Hitachi, LCD-monitor, elektron ko'rsatgich (ukazka).
- **video-audio uskunalar:** video va audiomagnitofon, mikrofon, kolonkalar.
- **kompyuter va multimediali vositalar:** kompyuter, Dell tipidagi proektor, DVD-diskovod, Web-kamera, video-ko'z (glazok).

### 2.8. Baholash mezonlari.

Baholash mezonlari har bir fanning o'ziga xosliklaridan kelib chiqqan holda, didaktik talablarga to'la mos holda ishlab chiqilishi lozim.

«Ijodiy faoliyatga o'rgatish metodikasi» fanini o'zlashtirish jarayonida talabalar semestr mobaynida quyidagi nazorat turlari bo'yicha baxolanadilar:

Nazorat ballari

**86-100 ball** (a'lo) - Ijodiy faoliyatga o'rgatish metodikasi fanining maqsad va vazifalarini, ijodiy tarbiya haqida tushuncha, ijodiy tarbiyaning nazariy asoslarini yaxshi bilishi mohiyatini tushunish;

- MTMsida bolalarni ijodiy faoliyatga o'rgatishning o'ziga xos xususiyatlari bilish, aytib berishi kerak;
- bolalarga o'rgatiladigan ijodiy ishning mazmuni, ijodiy tarbiyani amalga oshirish vosita va shakllari haqida bilishi xulosa va qaror qabul qila olishi;
- ijodiy faoliyatni o'yin jarayonida tashkil etishni bilishi va ijodiy fikrlay olishi;
- ijodiy malakalarini shakllantiruvchi omillar, ish jarayonini loyihalash, innovatsion texnologiya usullaridan foydalanish to'g'risida bilimga ega bo'lishi;
- ijodiy natijalarini namoyish etish va baholash ko'nikmalariga ega bo'lishi;
- bolalarni ijodiy faoliyatga o'rgatuvchi ish turlari, o'z-o'ziga xizmat, maishiy xo'jalik ishlari, tabiatda ishlash, qo'l ijodiyoti, o'quv ijodiyoti bo'yicha olgan bilimlarini amalda qo'llay olishi;
- ijodiy faoliyatga o'rgatuvchi shart-sharoitlar, bolalarni ijodiy faoliyatga o'rgatish usullari to'g'risida tasavvurga ega bo'lish;
- oilada va maktabgacha ta'lim muassasasida bolalardagi ijodiy qobiliyatlarni shakllanganlik darajasini aniqlash va tahlil qilish malakalariga ega bo'lishi

kerak.

- jamoa bo'lib bajaradigan ijodiy, mustaqil ijodiy, yakka tartibdagi ijodiy ishlar to'g'risida mustaqil mushoxada yurita olish;

- qiz va o'g'il bolalar ijodiyotidagi umumiylik va xususiylik, ijodiy faoliyat uchun zarur bo'lgan predmetlar turlariga oid masalalarni bilishi kerak;

**71-85 ball** (yaxshi) - Ijodiy faoliyatga o'rgatish metodikasi fanining maqsad va vazifalarini, ijodiy tarbiya haqida tushuncha, ijodiy tarbiyaning nazariy asoslarini yaxshi bilishi *mohiyatini tushunish*;

- MTMsida bolalarni ijodiy faoliyatga o'rgatishning o'ziga xos xususiyatlari *bilish, aytib berishi kerak*;

- jamoa bo'lib bajaradigan ijodiy, mustaqil ijodiy, yakka tartibdagi ijodiy ishlar to'g'risida *mustaqil mushoxada yurita olish*;

- ijodiy natijalarini namoyish etish va baholash *ko'nikmalariga ega bo'lishi*; to'g'risida *bilimga ega bo'lishi*;

- bolalarni ijodiy faoliyatga o'rgatuvchi ish turlari, o'z-o'ziga xizmat, maishiy xo'jalik ishlari, tabiatda ishlash, qo'l ijodiyoti, o'quv ijodiyoti bo'yicha *olgan bilimlarini amalda qo'llay olishi*;

- ijodiy faoliyatga o'rgatuvchi shart-sharoitlar, bolalarni ijodiy faoliyatga o'rgatish usullari to'g'risida *tasavvurga ega bo'lish*;

**55-70 ball** (qoniqarli- Ijodiy faoliyatga o'rgatish metodikasi fanining maqsad va vazifalarini, ijodiy tarbiya haqida tushuncha, ijodiy tarbiyaning nazariy asoslarini yaxshi bilishi *mohiyatini tushunish*;

- MTMsida bolalarni ijodiy faoliyatga o'rgatishning o'ziga xos xususiyatlari *bilish, aytib berishi kerak*;

- ijodiy faoliyatga o'rgatuvchi shart-sharoitlar, bolalarni ijodiy faoliyatga o'rgatish usullari to'g'risida *tasavvurga ega bo'lish*;

**0-54 ball**(qoniqarsiz)

- MTMsida bolalarni ijodiy faoliyatga o'rgatishning o'ziga xos xususiyatlarini *bilmaslik*;

- ijodiy faoliyatga o'rgatuvchi shart-sharoitlar, bolalarni ijodiy faoliyatga o'rgatish usullari to'g'risida *tasavvurga ega bo'lmaslik*;

**Reyting jadvali.**

Maksimal ball – 100 b.

JN (joriy nazorat) – maks. 40 b.

ON (oraliq nazorat) – maks. 30 b.

YAN (yakuniy nazorat) – maks. 30 b.

Saralash ball – 55 b.

86-100 ball – “5” baho.

71-85 ball – “4” baho.

55-70 ball – “3” baho.

0-54 ball – “2” baho



Nazorat turi	Nazorat shakllari	Har bir nazorat uchun belgilangan maksimal ball	Nazorat soni	Nazorat shakllari bo'yicha belgilangan maksimal ball
Joriy nazorat	1. Og'zaki	40	1	40
Jami:		40	1	40
Oraliq nazorat	1. Yozma ish	30	1	30
Jami:		30	1	30
Yakuniy nazorat	1.Yozma ish.	30	1	30
Jami:		100	3	100

## II. O'quv-uslubiy adabiyotlar va elektron ta'lim resurslari ro'yxati

### Asosiy darslik va o'quv qo'llanmalar

- 1.O.Xasanboeva va boshq. Oila pedagogikasi. T.: "Aloqachi", 2007 y.
- 2.O.To'raeva Bola aziz odobi undan aziz T.: "O'qituvchi", 1996 y.
- 3.R.Xasanov, X.Egamov «Tasviriy san`at darslari» «O'qituvchi».T.: 1995y.

### Qo'shimcha adabiyotlar:

1. S.A.Kozlova, T.A.Kulikova. Doshkolnaya pedagogika. M.: «Prosveshenie». 2000g.
- 2.O.Jamollidinova. «Katta bog'cha bolalarini xalq xunarmandchiligiga o'rgatish bo'yicha ish dasturi» T.:1996.
- 3.I.Davidchuk. «CHto mojno sdelat iz prirodnoogo materiala». M.: «Prosveshenie».1990g.
4. Z.V.Lishtvan «Konstruirovaniye» M.: «Prosveshenie».1981g.
- 5.T.N.Karamanenko.YU.G.Karamanenko. Kukolnyy teatr doshkolnikam. M.: «Prosveshenie» 1982g.
- 6.M.V.Maksimova. Azbuka vyazaniya.T.: «Mehnat» 1994y.
- 7.«Uchinchi mingyillikning bolasi» T.: «Ma`rifat-madadkor».2002y.
8. Nurmatova M.SH. Xasanova SH.T. Rasm buyum yasash va bolalarni tasviriy faoliyatga o'rgatish metodikasi. "Cho'lpon" T.:2010y.

### Elektron ta'lim resurslari

1. www. tdpu. uz
2. www. pedagog. uz
3. www. Ziyonet. uz
4. www. edu. uz
5. tdpu-INTRANET. Ped Kafedra mudiri:

SN. A. Sodiqova

**“Ижодий фаолиятга ўргатиш методикаси”  
ФАНИДАН  
МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИДА  
ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

<b>1-мавзу.</b>	Ижодий фаолиятга ўргатиш методикаси фанининг мақсади ва вазифалари .
-----------------	--

### 1.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

<b>Вақти –2 соат</b>	Талабалар сони: 25-30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш, визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ижодий фаолиятга ўргатиш фанининг асосий мақсади</li> <li>2. Ижодий фаолиятга ўргатиш фанининг вазифаси</li> <li>3. Мактабгача ёшдаги болаларда ижодкорликни ривожлантиришда фанининг ўрни.</li> </ol>
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади</i> Ижодий фаолиятга ўргатиш методикаси фанининг мақсади ва вазифалари тўғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш.</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ижодий фаолиятга ўргатиш фанининг асосий мақсади</li> <li>2. Ижодий фаолиятга ўргатиш фанининг вазифаси</li> <li>3. Мактабгача ёшдаги болаларда ижодкорликни ривожлантиришда фанининг ўрни.</li> </ol>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ижодий фаолиятга ўргатиш фанининг асосий мақсади</li> <li>2. Ижодий фаолиятга ўргатиш фанининг вазифаси</li> <li>3. Мактабгача ёшдаги болаларда ижодкорликни ривожлантиришда фанининг ўрни.</li> </ol>
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, Қандай техникаси , баён қилиш, ФСМУ, Инсерт
Ўқитиш воситалари	Проектор, график органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоа, гуруҳ ва жуфтликда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

### Дарсинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
1 босқич. Кириш (10 дақиқа)	1.1. Маърузанинг мавзуси, режасини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва ўқув фаолият натижаларини тушунтиради (1-илова)	Тинглайди, мавзу номини ёзиб олади
	1.2. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади (2-илова)	Ёзиб олади
2 босқич. Асосий жараён (60 дақиқа)	2.1. Мавзу режасининг биринчи пункти режаси бўйича маъруза қилади (3-илова) Маъруза бўйича «Қандай техникаси» усулидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Ижодий фаолиятга ўргатиш фанининг асосий мақсади(4-илова)	Ёзади, саволга жавоб беради.
	2.2. Мавзу режасининг иккинчи пункти бўйича маъруза қилади (5-илова). Маъруза бўйича «Қандай техникаси» усулидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Ижодий фаолиятга ўргатиш фанининг вазифаси (6-илова)	Ёзади, саволга жавоб беради.
	2.3. Мактабгача ёшдаги болаларда ижодкорликни ривожлантиришда фаннинг ўрни. (7-илова). «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. “Кластер” техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради (8-илова) Гуруҳларда ишлашга ёрдам беради Қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Дикқатларини кутиладиган натижага жалб қилади. Ҳар бир гуруҳ топшириқларини ватман - қоғозларга тушириб, тақдимотини ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини дикқат билан тинглайди Фикрларини тинглаб, умумлаштиради.	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс- мунозара юритадилар. Гуруҳларда ишлайдилар.
3 босқич. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1 Мавзу бўйича умумий хулоса қилинади.	Тинглайдилар
	3.2. Талабаларнинг баҳолаш мезонларини эълон қилинади	Ёзиб олади
	3.3. Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар беради (9-илова)	Жавоб ёзади
	3.4 Навбатдаги машғулотда кўриладиган мавзунини эълон қилади ва “инсерт” усулида жадвалга мустақил таълимга тайёргарлик кўришларини сўрайди (10-Илова).	”Инсерт” усулида жадвални тўлдирди.

**МАВЗУ:** Ижодий фаолиятга ўргатиш методикаси фанининг мақсади ва вазифалари .

**Режа**

1. Ижодий фаолиятга ўргатиш фанининг асосий мақсади
2. Ижодий фаолиятга ўргатиш фанининг вазифаси
3. Мактабгача ёшдаги болаларда ижодкорликни ривожлантиришда фанининг ўрни.

**Ўқув машғулотининг мақсади:** Ижодий фаолиятга ўргатиш методикаси фанининг мақсади ва вазифалари тўғрисидаги билимларни шакллантириш.

**Ўқув фаолиятининг натижаси:** Талабалар ижодий фаолиятга ўргатиш методикаси фанининг мақсади ва вазифаларини изоҳлаб бериш.

2-илова

**Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари**

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги 0-5 балл	Жами балл

10 – 9 балл – «аъло».

8-7 балл – «яхши».

6–5 балл – «кониқарли».

3-илова


**Ижодий фаолиятга ўргатиш фанининг асосий мақсади**

Ижодий фаолиятга ўргатиш фанининг асосий мақсади мактабгача таълим муассасаларида болалар ижодига раҳбарлик қилиш учун амалий билим ва кўникмалар бериш. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги Қонуни» ва «Мактабгача таълим концепцияси» асосида МТМ да ижодий меҳнат тарбиясини тўғри йўлга қўйиш, болаларни кул меҳнати фаолиятига раҳбарлик қилишдан иборатдир. Болалар ижодиёти ва унинг ўзига хос томонларини тушуниш педагоглардан кўпгина билимларга эга бўлишни талаб этади. Педагог санъатда бу фаолият қандай характерга эга, расом бадиий образни яратиши учун қандай воситалардан фойдаланаяпти, унинг ижодий фаолиятининг босқичлари қандай деган саволларга жавоб бера олиши керак. Болалар атроф-олам билан таниша бориш жараёнида уларни ўз фаолиятларида яъни ўйинларида, чизган расмларида, лой ишларида, ҳикояларда ва ҳоказоларда акс эттирадilar. Болалар тасвирий фаолиятда атроф-оламдан олган таассуротларини, тасаввурларидаги тимсолларни турли-туман материаллардан ва аниқ шакллар ёрдамида тасвирлашга ҳаракат қиладilar. Болалар ижодиётида ижодий фаолиятнинг бошланғич босқичида ўзига хос характер хусусиятлари мавжуд. Буларга аввал ўзлаштирилган иш усулларини янги мазмунда қўллашда, олдинда турган вазифаларни янги усуллар орқали ечишни, ўз хис-туйғуларини турли воситалар ёрдамида ифода этишларида фаол ва мустақил иштирок этишлари кирди.

## «Қандай» организерини тўлдириг

4-илова

Муҳим муаммонинг ечимини топишга ёрдам беради ва “Қандай” саволи орқали муаммо ҳал қилинади.



5-илова


## Ижодий фаолиятга ўргатиш фанининг вазифаси

Ижодий фаолиятга ўргатиш фанининг **вазифаси** МТМда болаларни кул меҳнатига бадий меҳнатга қизиқишларини уйғотиш, меҳнат орқали ҳосил бўлган кўникма ва малакаларини шакллантириш; мактабгача ешдаги болаларда меҳнатга нисбатан муҳаббатни тарбиялаш ва касбга йўналтириш; болаларда ижодий кўргазмалар, ўйинлар учун атрибутлар ясашга хоҳишларини уйғотиш; қоғоз, картон каби материалларнинг хусусиятлари билан таништириш; меҳнат қилиш маданияти малака ва кўникмаларини тарбиялаш; буюмларни тайёрлаш жараёнини режалаштириш, тайёрлаш технологиясини ўргатиш, маҳсулотни тежаш, буюмлари қораламасининг эскизини ва суратини чизишга иш жойларини тартибли сақлашга ўргатиш; болаларни буюмлар ясаш жараёнида оддий асбоблардан фойдаланишга ўргатиш ҳамда бадий дидларини шакллантиришга, вақтни тежай олишга, мақсадга мувофиқ ишлашга одатлантиришдир

## «Қандай» организерини тўлдилинг

6-илова

Муҳим муаммонинг ечимини топишга ёрдам беради ва «Қандай» саволи орқали муаммо ҳал қилинади.



7-илова

## Мактабгача ёшдаги болаларда ижодкорликни ривожлантиришда фаннинг ўрни.

Болаларда ижодий қобилиятларнинг ривожланишида тасвирий фаолият туркумига кирувчи машғулотларнинг ўрни бекиёс эканлигини эътироф этган ҳолда бундай машғулотлар уларда тасвирий саводхонлик элементларини шакллантирилишига ҳам тамал тошини қўйиши шубҳасизир. Болалар расм, аппликация, лой иши, қирқиб елимлаш машғулотлари давомида нафақат бирор иш билан маълум муддат банд бўладилар, балки юқорида айтиб ўтганларимизга қўшимча равишда уларда қуйидагилар ривожланади ва шаклланади:

- тасвирий санъат соҳасига доир қобилиятлари аниқланади ва шакллантирилади;
- қалам, мўйқаламни ушлаш, лой, пластилин билан ишлаш, қайчида айрим нарсаларни қирқиб - елимлаш орқали майда қўл мушаклари ривожланади;
- бола ёзув техникасини эгаллашга тайёрланади;
- бола тасвирий фаолият машғулотлари орқали диққатини бир жойга тақсимлай олишни ва ишини охирига қадар бажаришни, ўтира олишни ўрганади;
- табиатни, атроф-оламни кузатишни, уни асраб-авайлашни ардоқлашни, унга нисбатан тўғри муносабатда бўлишни ўрганади;
- жамоа бўлиб меҳнат қилиш, ишни режалаштира олиш, ўртоқларини эшита олиш ва ўзаро фикр-мулоҳазаларни инobatга олган ҳолда ишлаш малакалари шаклланади;
- халқимизнинг бой маданий-маънавий мероси ҳақида тушунча ва тасаввурга эга бўлади ва уларни ўз ишларида ифодалашга ўрганади

## ФСМУ технологияси

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

У – фикрингизни умумлаштиринг

Савол	Мактабгача ёшдаги болаларда ижодкорликни ривожлантиришда фаннинг ўрни.
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлашти-ринг	

**Жонлантириш учун саволлар:**

1. Ижодий фаолиятга ўргатиш фанининг асосий мақсади
2. Ижодий фаолиятга ўргатиш фанининг вазифаси
3. Мактабгача ёшдаги болаларда ижодкорликни ривожлантиришда фаннинг ўрни.



## Инсерт усулидан фойдаланиб ишлаш қондаси

1. Маъруза матнини ўқиб, матннинг четига қуйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:

В – биламан

+ - мен учун янги маълумот

- - мен билган маълумотни инкор қилади

? – ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиладиган) қўшимча маълумот.

2. Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштиринг.

Мавзу саволлари	В	-	+	?
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				

<b>2-мавзу.</b>	<b>Қоғоздан буклаш йўли билан ўйинчоқ ясаш (“Оригами усули”).</b>
-----------------	---

## 2.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

<b>Вақти – 2 соат</b>	Талабалар сони: 25-30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	1. «Оригами» усулининг келиб чиқиши тарихи 2. «Дўппи» ни оригами усулида ясаш.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади</i> Қоғоздан буклаш йўли билан ўйинчоқ ясаш (“Оригами усули”) тўғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> 1. «Оригами» усулининг келиб чиқиши тарихи 2. «Дўппи» ни оригами усулида ясаш.	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: 1. «Оригами» усулининг келиб чиқиши тарихи 2. «Дўппи» ни оригами усулида ясаш.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, Соат миллари технологияси, Қандай техникаси, Инсерт
Ўқитиш воситалари	Проектор, график органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоа, гуруҳ ва жуфтликда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

### Дарсинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
1 босқич. Кириш (10 дақиқа)	1.1. Маърузанинг мавзуси, режасини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва ўқув фаолият натижаларини тушунтиради (1-илова)	Тинглайди, мавзу номини ёзиб олади
	1.2. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади (2-илова)	Ёзиб олади
2 босқич. Асосий жараён (60 дақиқа)	2.1. Мавзу режасининг биринчи пункти режаси бўйича маъруза қилади (3-илова) Маъруза бўйича “Соат миллари” усулидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: «Оригами» усулининг келиб чиқиши тарихи (4-илова)	Ёзади, саволга жавоб беради.
	2.2.«Дўппи» ни оригами усулида яшаш. (5-илова).«Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. “Қандай” техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради (6-илова ) Гуруҳларда ишлашга ёрдам беради Қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Дикқатларини кутиладиган натижага жалб қилади. Ҳар бир гуруҳ топшириқларини ватман - қоғозларга тушириб, тақдиротини ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди Фикрларини тинглаб, умумлаштиради.	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар. Гуруҳларда ишлайдилар.
3 босқич. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1 Мавзу бўйича умумий хулоса қилинади.	Тинглайдилар
	3.2. Талабаларнинг баҳолаш мезонларини эълон қилинади	Ёзиб олади
	3.3. Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар беради (7-илова)	Жавоб ёзади
	3.4 Навбатдаги машғулотда кўриладиган мавзунини эълон қилади ва “инсерт” усулида жадвалга мустақил таълимга тайёргарлик кўришларини сўрайди (8-Илова).	”Инсерт” усулида жадвални тўлдиради.

**МАВЗУ:** Қоғоздан буклаш йўли билан ўйинчоқ ясаш (“Оригами усули”).

### Режа

1. «Оригами» усулининг келиб чиқиши тарихи

2. «Дўппи» ни оригами усулида ясаш.

**Ўқув машғулотининг мақсади:** Қоғоздан буклаш йўли билан ўйинчоқ ясаш (“Оригами усули”) тўғрисидаги билимларни шакллантириш.

**Ўқув фаолиятининг натижаси:** Талабалар Қоғоздан буклаш йўли билан ўйинчоқ ясаш (“Оригами усули”) изоҳлаб бериш.

### Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги 0-5 балл	Жами балл

10 – 9 балл – «аъло».

8-7 балл – «яхши».

6–5 балл – «қониқарли».


### «Оригами» усулининг келиб чиқиши тарихи

«Оригами» сўзининг келиб чиқиши япон тилига мансуб бўлиб, икки ибора “ори” – букланган ва “гами” – қоғоз деган маъноларни англатади. Оригами дейилганда одатда тўртбурчакли қоғозларни буклаб турли буюм ва ўйинчоқларни ясаш тушунилади.

Оригами санъат сифатида илк маротаба IX-XII асрларда Японияда пайдо бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, бу санъат Европа мамлакатларига ҳам тарқалиб, ривож топа бошлади. Ҳар қандай буюмларни яшашнинг изчил тизимига эга чизма суратлар сифатида тасвирлаш урфга кирди. Зеро, расмларга қараб қоғоз букламларидан турли буюм ўйинчоқлар ясаш 4-5 ёшли болалардан тортиб мактабнинг бошланғич синфи ўқувчиларининг ҳам тасаввур доирасини кенгайтириши, ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстириши шубҳасиздир. Бугунги кунга келиб оригами алоҳида амалий санъат тури сифатида бутун дунёда кенг оммалашган.

## 1-ўқув топшириқ Соат миллари технологисини тўлдириш

«Оригами» усулининг келиб чиқиши тарихи



### «Дўппи» ни оригами усулида ясаш.

#### «Дўппи» ни оригами усулида ясаш.

Квадрат шаклидаги катта-кичиклиги ихтиёрий қоғозни олиб, диагонал бўйича унинг марказини аниқлаймиз. Сўнгра тенг иккига буклаймиз, қолган бурчагининг бири олиниб, марказ томони бўйича букланади, орқа томони ҳам худди шундай букланади. Букланган томони ички томонга қарата букланиб, бошқа бурчагини 1 см қайириб олинади, пастки қоғознинг бурчаклари қайириб, букланиб чиқилади ва четидаги бурчакка киргизиб қўйилади. Орқа томони ҳам худди шундай бажарилади. Манна, дўппимиз тайёр, энди уни безатишимиз керак. Ингичка мўйқаламни олиб, оқ рангга ботирамиз, дўппининг тўрт томонига гармдори шакли чизилади. Дўппиларнинг гулидаги гармдори шаклининг тасвирланиши болалар чидамли, қўрқмас, матонатли, сабрли бўлиши каби маънони англатади. Қизларимиз дўппиларни турли ранглардан фойдаланиб, ҳар - хил гуллар билан безатиб чиқадилар. Бу эса қизларнинг доимо гулдек очилиб, чиройли бўлиб юришларини ифодалайди ҳамда бир йўла уларнинг бошларини офтоб иссиғидан асрайди. Бувижонларимизнинг айтишларича, бош кийимни жуда эҳтиёт қилиш керак. Эскирганда ҳам ташлаб юбормай, ундан яна рўзғорда ёрдамчи буюм сифатида фойдаланиш мумкин. Қизларимизнинг дўппиларига гулни мана бундай чизамиз, гул ўртасига сариқ рангли нуқта қуйиб, атрофига қизил рангда гул япроқларини чизамиз. Агар уйингизда дўппингиз бўлса, унга қараб гулни чизсангиз ҳам бўлади. Ҳар хил рангдан фойдаланаётганда мўйқаламни яхшилаб ювиб, салфеткада артиб олишни унутманг. Қуйида «Оригами», яъни қоғозни буклаш орқали дўппи, балиқ, тўтиқуш, жирафа ясашни босқичма-босқич кўрсатиб ўтамиз. Хамат ўз устингизда бироз ишлаб бош қотириб кўринг.

Муҳим муаммонинг ечимини топишга ёрдам беради ва “Қандай” саволи орқали муаммо ҳал қилинади.



7-илова

**Жонлантириш учун саволлар:**

1. «Оригами» усулининг келиб чиқиши тарихи
2. «Дўппи» ни оригами усулида яшаш.

8-илова

Инсерт усулидан фойдаланиб ишлаш қоидаси

1. Маъруза матнини ўқиб, матннинг четига қуйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:
  - В – биламан
  - + - мен учун янги маълумот
  - - мен билган маълумотни инкор қилади
  - ? – ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиладиган) қўшимча маълумот.
2. Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштиринг.

Мавзу саволлари	В	-	+	?
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				

3-мавзу.	<b>Папье-маше усули. Папье-маше усулида ўйинчоқлар яшаш</b>
----------	---

### 3.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

<b>Вақти –2 соат</b>	Талабалар сони: 25-30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш, визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	1. Папье-маше усулининг келиб чиқиш тарихи 2. Папье-маше усулида ўйинчоқлар яшашнинг ўзига хослиги 3. Папье-маше усулида «Лаган» яшаш
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Папье-маше усули. Папье-маше усулида ўйинчоқлар яшаш тўғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> 1. Папье-маше усулининг келиб чиқиш тарихи 2. Папье-маше усулида ўйинчоқлар яшашнинг ўзига хослиги 3. Папье-маше усулида «Лаган» яшаш.	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: 1. Папье-маше усулининг келиб чиқиш тарихи 2. Папье-маше усулида ўйинчоқлар яшашнинг ўзига хослиги 3. Папье-маше усулида «Лаган» яшаш
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, БББ технологияси, кластер, Вен диаграммаси, мунозара
Ўқитиш воситалари	Проектор, график органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоа, гуруҳ ва жуфтликда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

## Дарснинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
1 босқич. Кириш (10 дақиқа)	1.1. Маърузанинг мавзуси, режасини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва ўқув фаолият натижаларини тушунтиради (1-илова)	Тинглайди, мавзу номини ёзиб олади
	1.2. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади (2-илова)	Ёзиб олади
2 босқич. Асосий жараён (60 дақиқа)	2.1. Мавзу режасининг биринчи пункти режаси бўйича маъруза қилади (3-илова) Маъруза бўйича «Б,Б,Б технологияси» усулидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Папье-маше усулининг келиб чиқиш тарихи (4-илова)	Ёзади, саволга жавоб беради.
	2.2. Мавзу режасининг иккинчи пункти бўйича маъруза қилади (5-илова). Маъруза бўйича «Вен» усулидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Папье-маше усулида ўйинчоқлар яшашнинг ўзига хослиги (6-илова)	Ёзади, саволга жавоб беради.
	2.3 Папье-маше усулида «Лаган» яшаш (7-илова) «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. “Кластер” техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради (8-илова). Гуруҳларда ишлашга ёрдам беради Қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади. Ҳар бир гуруҳ топшириқларини ватман - қоғозларга тушириб, тақдиротини ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди Фикрларини тинглаб, умумлаштиради.	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар. Гуруҳларда ишлайдилар.
3 босқич. Яқуний босқич (10 дақиқа)	3.1 Мавзу бўйича умумий хулоса қилинади.	Тинглайдилар
	3.2. Талабаларнинг баҳолаш мезонларини эълон қилинади	Ёзиб олади
	3.3. Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар беради (9-илова)	Жавоб ёзади
	3.4 Навбатдаги машғулотда кўриладиган мавзунини эълон қилади ва “Мунозара” усулида жадвалга мустақил таълимга тайёргарлик кўришларини сўрайди (10-Илова).	”Мунозара” усулида жадвални тўлдиради.



### Папе-маше усули. Папе-маше усулида ўйинчоқлар ясаш

#### Режа:

1. Папе-маше усулининг келиб чиқиш тарихи
2. Папе-маше усулида ўйинчоқлар яшанинг ўзига хослиги
3. Папе-маше усулида «Лаган» ясаш

**Ўқув машғулотининг мақсади** Папе-маше усули. Папе-маше усулида ўйинчоқлар ясаш тўғрисидаги билимларни шакллантириш.

**Ўқув фаолиятининг натижаси:** Талабаларга Папе-маше усули. Папе-маше усулида ўйинчоқлар яшани изоҳлаб берилди.

## 2-илова

### Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги 0-5 балл	Жами балл

10 – 9 балл – «аъло».

8-7 балл – «яхши».

6–5 балл – «қониқарли».

## 3-илова

### Папе-маше усулининг келиб чиқиш тарихи

Атроф-оламни болалар тасвирий фаолиятида тушуниш ижодий кўринишлар билан боғлиқ эмас, балки бола ишлаётган, кўрсатаётган материалнинг таркибини аниқлаш орқали намоён бўлади. Масалан: қалам ва бўёқлар қоғозда из қолдирадидилар, лой юмшоқ ундан нарсалар яшаш мумкин. Кейинчалик тасвирий фаолият ва изланишларни ривожлантириш учун бу босқич кичик аҳамият касб этади, чунки бола бунда тасаввурларидаги тимсолни яратиш учун ёрдам берадиган материал билан танишади.

Қаламдан қоладиган из ниманидир ифодалашини тушунадиган бола ўз хоҳиши ва катталарнинг таклифига кўра қандайдир предметни тасвирлашга ҳаракат қилса, унда боланинг фаолияти тасвирий характер тусини олган бўлади. Болада фикр, мақсад бўлиб, уларни намоён этишга ҳаракат қилади. Шу тариқа ижодий жараённинг биринчи босқичи фикрнинг пайдо бўлиши-бола фаолиятида ҳам ҳосил бўлади. Рассомда фикрнинг пайдо бўлиши билан одатда мазмунини ва бажариш воситаларини ўйлаб боради, иш учун одатда узок вақт керак бўлади, болада эса кўпинча бу босқичнинг ҳосил бўлиши кузатилмайди. Бола қанчалик кичик бўлса, у шунчалик ўйлаган нарсасини тез тасвирлашга ҳаракат қилади. У ҳали ўз ишининг натижасини ва уни бажариш йўлини олдиндан кўра олмайди. Аввалдан ўйлаб кўриш ва ишни режалаштириш тасвирлаш жараёни билан биргаликда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам болалар ижодиётида фаолиятлар жараёнида иш мазмунини ўзгартириш ҳоллари тез-тез учраб туради. Бола тасвирлаётган расмдаги тимсолларга умуман тааллуқли бўлмаган деталларни киритиши мумкин.

Болаларнинг тасвирий ижодиётининг ўзига хос томонларини ўрганиш учун педагогика тарихида бир қатор педагогик ва психологик тадқиқот ишлари олиб борилган.

Болаларда ижодий қобилиятларнинг ривожланишида тасвирий фаолият туркумига кирувчи машғулотларнинг ўрни беқиёс эканлигини эътироф этган ҳолда бундай машғулотлар уларда тасвирий саводхонлик элементларини шакллантирилишига ҳам тамал тошини қўйиши шубҳасизир.

Болалар расм, аппликация, лой иши, қирқиб елимлаш машғулоти давомида нафақат бирор иш билан маълум муддат банд бўладилар, балки юқорида айтиб ўтганларимизга қўшимча равишда уларда қуйидагилар ривожланади ва шаклланади:

- тасвирий санъат соҳасига доир қобилиятлари аниқланади ва шакллантирилади;
- қалам, мўйқаламни ушлаш, лой, пластилин билан ишлаш, қайчида айрим нарсаларни қирқиб елимлаш орқали майда қўл мушаклари ривожланади;
- бола ёзув техникасини эгаллашга тайёрланади;
- бола тасвирий фаолият машғулоти орқали диққатини бир жойга тақсимлай олишни ва ишини охирига қадар бажаришни, ўтира олишни ўрганади;
- табиатни, атроф-оламни кузатишни, уни асраб-авайлашни ардоқлашни, унга нисбатан тўғри муносабатда бўлишни ўрганади;
- жамоа бўлиб меҳнат қилиш, ишни режалаштира олиш, ўртоқларини эшита олиш ва ўзаро фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда ишлаш малакалари шаклланади;
- халқимизнинг бой маданий-маънавий мероси ҳақида тушунча ва тасаввурга эга бўлади ва уларни ўз ишларида ифодалашга ўрганади.

Ижодкорлик қобилияти инсоннинг табиий ва ижтимоий дунёни воқеликнинг объектив қонунлари асосида ўз мақсади ва эҳтиёжларига мувофиқ ўзгартирадиган фаолиятдир. Ижод маҳсули бу инсон онгининг фаол маҳсулидир. "Мактабгача таълим концепцияси"нинг асосий мазмунида болаларнинг индивидуал хусусиятлари ва истеъдодини ривожлантириш вазифаси белгилаб берилган. Хозирги тадқиқотлар мактабгача ёшдаги болалар расм чизиш, лой ва пластилин ўйинчоқлар ясашда ижодий фаолият кўрсата олишини исботлади. Албатта, болалар ижодкорлиги ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, катталар ижодкорлиги мезонларига жавоб бера олмайди. Таълим жараёнида, эртақлар эшитиш, ҳар хил расмларни кўриш туфайли бола ўйинчоқ ясашдан оддин ўзи бевосита идрок этган предметлар доирасига кирмайдиган нарсаларни аста —секин тасаввур қила бошлайди. Болада аввал катталарнинг оғзаки таъсири билан ихтиёрий тасаввур образлари ҳосил бўлиб, кейинчалик улар боланинг мустақил фикрлашидан вужудга келиши мумкин.

Болалар бадиий ижодий қобилиятларини шакллантириш йўлларини ўрганганда, болаларга берилган топшириқларни 3 босқичда мураккаблаштириб боришимиз мумкин. Биринчи босқичда болаларга улардан ижодий фаолиятда дастлабки йўналишни талаб қиладиган топшириқлар берилади: Тарбиячининг (ўзинг яса, бир нарса ўйла, қидириб топ, ўзгартир каби) кўрсатмалари бўйича болалар педагог билан бирга ишлаб, ижодкорлик элементларини намоён этадилар. Иккинчи босқичда болаларни аниқ мақсадга мувофиқ ишлашга ва изланишга даъват этувчи топшириқлар берилади. Бола



тарбиячи билан бирга ишлаб, ўзлаштирган кўникмаларни комбинациялаш ва ўзгартириш мумкинлигини тушуна бошлайди. Ниҳоят, учинчи босқич — болани турли фаолиятда фикрлаш бўйича мустақил ҳаракат қилишга, ўз ишларини режалаштиришга, тасвирлаш воситаларини танлашга ўргатадиган топшириқлардан иборатдир. Тарбиячи болаларга топшириқни эмоционал тарзда тушунтиради. Тарбиячининг изоҳи болаларни қизиқтириши, бунинг учун тарбиячи гоҳо ўйин элементларидан, ўйин ҳаракатларидан фойдаланиши мумкин. Болалар кўз ўнгида кўғирчоқлар пайдо бўлади. Улар биргаликда томоша қўйишни сўрайдилар. Бундай эртак персонажларнинг кутилмаганда пайдо бўлиши болаларни суюнтириб юборади. Ўйинчоқларнинг ҳаракатларини кўриб, болалар севиниб кетадилар, тарбиячи уларга қараб мурожаат қилаётганидан мамнун бўлади. Агар тарбиячи машғулотда ўйин усулини қўллаётган бўлса, у машғулот давомида ўйинда катнашадиган персонаж тўғрисида олдиндан ўйлаб қўяди. Масалан, кўғирчоқ мана шундай персонаж ролини бажариб, болалар қандай ишлаётганлиги билан, топшириқни ким қандай бажараётганлиги билан қизиқиб кўриши мумкин. Кейин у болаларнинг ҳатти — ҳаракатларини маъқулайди, ижодий ишлашга қийналаётган болаларга ёрдам беради ва бошқа шунга ўхшаган ишларни бажаради. Машғулотда ҳар доим ҳам бир хилдаги ўйин ҳаракатларидан фойдаланмаймиз, ҳар бир машғулот олдида болаларнинг руҳини кўтарадиган, кайфиятини яхшилайдиган тадбирлар ташкил қиламиз. Бунинг учун болаларга шеър ўқиб беришимиз, қўшиқ айтиб беришимиз, топшириқлар бўйича топишмоқлар айтиб, кичкинтойларни қизиқтиришимиз лозим.

## 2-мавзу

### ҚОҒОЗДАН БУКЛАШ ЙЎЛИ БИЛАН ЎЙИНЧОҚ ЯСАШ. (“ОРИГАМИ УСУЛИ”)

#### Режа

1. «Оригами» сўзининг келиб чиқиши
2. «Тўтиқуш» ни оригами усулида ясаш.
3. «Дўппи» ни оригами усулида ясаш.

«Оригами» сўзининг келиб чиқиши япон тилига мансуб бўлиб, икки ибора “ори” – букланган ва “гами” – қоғоз деган маъноларни англатади. Оригами дейилганда одатда тўртбурчакли қоғозларни буклаб турли буюм ва ўйинчоқларни ясаш тушунилади.

Оригами санъат сифатида илк маротаба IX-XII асрларда Японияда пайдо бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, бу санъат Европа мамлакатларига ҳам тарқалиб, ривож топа бошлади. Ҳар қандай буюмларни яшашнинг изчил тизимига эга чизма суратлар сифатида тасвирлаш урфга кирди. Зеро, расмларга қараб қоғоз букламларидан турли буюм ўйинчоқлар ясаш 4-5 ёшли болалардан тортиб мактабнинг бошланғич синфи

Ўқувчиларининг ҳам тасаввур доирасини кенгайтириши, ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстириши шубҳасиздир. Бугунги кунга келиб оригами алоҳида амалий санъат тури сифатида бутун дунёда кенг оммалашган.

#### **«Тўтиқуш» ни оригами усулида яшаш.**


1. Квадрат шаклида қоғоз оламиз.
2. Диагоналига буклаймиз.
3. Букланган жойдан бурма ҳосил қиламиз.
4. Бурма бўйлаб 2 учи бирлаштирилади.
5. Букланган қоғознинг ҳар бир учи орқага қайтарилади.
6. Қайтарилганда аввалги диагоналидан ошиб кетмаслиги керак.
7. Бош бармоқ орасига киргизиб кўрсаткич бармоқ билан букланади ва унинг бош қисми тайёрланади.

Қушчанинг умумий шакли тайёр бўлди, шу шаклдан ўзингиз хоҳлаган қушчангизни яшашингиз мумкин. Шаклдаги бўялган жойлар қирқилса, тўтиқуш думи, тумшуғидан қайчида озгина чимдиб, ички томонга майда бурмачалар ҳосил қилиниб, кўзи чизиб қўйилади. Тўтиқуш тайёр.

#### **«Дўппи» ни оригами усулида яшаш.**

Квадрат шаклидаги катта-кичиклиги ихтиёрий қоғозни олиб, диагонал бўйича унинг марказини аниқлаймиз. Сўнгра тенг иккига буклаймиз, қолган бурчагининг бири олиниб, марказ томони бўйича букланади, орқа томони ҳам худди шундай букланади. Букланган томони ички томонга қарата букланиб, бошқа бурчагини 1 см қайириб олинади, пастки қоғознинг бурчаклари қайириб, букланиб чиқилади ва четидаги бурчакка киргизиб қўйилади. Орқа томони ҳам худди шундай бажарилади. Манна, дўппимиз тайёр, энди уни безатишимиз керак. Ингичка мўйқаламни олиб, оқ рангга ботирамиз, дўппининг тўрт томонига гармдори шакли чизилади. Дўппиларнинг гулидаги гармдори шаклининг тасвирланиши болалар чидамли, кўрқмас, матонатли, сабрли бўлиши каби маънони англатади. Қизларимиз дўппиларни турли ранглардан фойдаланиб, ҳар - хил гуллар билан безатиб чиқадилар. Бу эса қизларнинг доимо гулдек очилиб, чиройли бўлиб юришларини ифодалайди ҳамда бир йўла уларнинг бошларини офтоб иссиғидан асрайди. Бувижонларимизнинг айтишларича, бош кийимни жуда эҳтиёт қилиш керак. Эскирганда ҳам ташлаб юбормай, ундан яна рўзғорда ёрдамчи буюм сифатида фойдаланиш мумкин. Қизларимизнинг дўппиларига гулни мана бундай чизамиз, гул ўртасига сариқ рангли нуқта қуйиб, атрофига қизил рангда гул япроқларини чизамиз. Агар уйингизда дўппингиз бўлса, унга қараб гулни чизсангиз ҳам бўлади. Ҳар хил рангдан фойдаланаётганда мўйқаламни яхшилаб ювиб, салфеткада артиб олишни унутманг. Қуйида «Оригами», яъни қоғозни буклаш орқали дўппи, балиқ, тўтиқуш, жирафа яшашни босқичма-босқич кўрсатиб ўтамиз.

## Дўппи



### 3-МАВЗУ ПАПЬЕ-МАШЕ УСУЛИ РЕЖА:

1. Папье-маше учун зарурий ашёлар
2. Папье-маше усулида ўйинчоқлар яшаш

Папье-маше “ивиган”, “ғижимланган” қоғоз, демакдир. Бундай қоғоздан клейстер билан лой ва пластилиндан ясалган тайёр модел бўйича шакл елимланади. Папье-машедан тайёрланган ўйинчоқлар, ҳар хил майда чўйда нарсалар яшашнинг осонлиги билан ажралиб туради. Папье-маше билан ишлаш жараёни болаларда меҳнат малакаларининг шаклланишига, турли асбоб ва материаллар билан ишлаш кўникмаларининг ривожланишига ёрдам беради. Папье-маше билан ишлаганда стеклар, қармоқ ипи, елим пишириш учун идиш, тайёр маҳсулотни бўяш учун бўёқ, мўйқаламлар керак бўлади. Иш қоғозни тайёрлашдан бошланади. Бунинг учун газета ва ўраш қоғозлари зарур. Қоғоз намланади, бироқ ивиб кетмаслиги керак. Бир идишда

газета, иккинчи идишда ўраш қоғози туради. Ундан кейин ясаладиган шакл тайёрланади. Пиёла панер устига тўнкариб қўйилади. Унга юпқа қатлам ёғ (вазелин, ўсимлик ёғи) суртилади. Биринчи иш пиёла устига фақат сувланган қоғозни ёпиштиришдан бошланади. Шундан кейин намланган кесма қоғозларга клейстер суртиб, бирин-кетин пиёлага ёпиштириб, биттадан оралатиб, бир бирига кўндаланг, бир кесма иккинчига этадиган қилиб қўйиб чиқилади. Полоскаларнинг эни 1-2 см, узунлиги эса пиёланинг иккала томонига етиб, фанер устига тушиб турадиган бўлиши керак. Бундай қоғозлар икки қатлам қилиниб очиқ жойларни қолдирмай елимланади. Шундан кейин яна икки-уч қатлам ёпиштирилади, бироқ энди полоскалар эмас, балки қоғоз парчалари ёпиштирилади. Қоғоз албатта қўлда йиртилиши керак, шундай қилинса бир меъёрдаги елимланган текис қатлам ҳосил бўлади. Шундай қилиб, пиёла устига бир неча қатлам (5-6-8) қават қоғоз парчалари буюмнинг катталигига кўра ёпиштирилади. Қоғоз шаклни пиёладан икки кундан кейин олиш керак. Агарда шакл пиёладан чиқмаса, уни бир оз қуритиш, пичоқ билан қирқиб олиш керак. Четларини оҳиста тўғрилаб, қирқилган жой елимланади ва бир-икки сутка давомида қуритилади. Яхшилаб қуритилган папье-маше шаклнинг сатхи силлиқ қилиб, жилвир қоғоз билан тозаланади. Шундан сўнг ясалган буюмга эмульсия бўёғига ПВА елими қўшиб мўйқалам ёрдамида силлиқлаб жило берилади. Эмульсияланган шакл қуритилади ва жилвир қоғоз билан тозаланади. Шундан сўнг у бўяладива безак берилади.

Папье-машенинг қоғоз массасидан бажариладиган бошқа усули ҳам бор. Папье-маше учун масса эски қоғозга ёпиштирувчи ва тўлдиргич моддалар қўшиб тайёрланади. Тайёрлаш усули оддий. Қоғозни майдай қилиб бурдалаб, бир сутка ивитиб қўйилади. Сўнгра уни киселсимон бир хил масса ҳосил бўлгунга қадар қайнатилади. Совиган масса кичик-кичик бўлақларга бўлиниб қўлда сиқилади, қуритилади. Тамоман қуриган масса майдай қирғичдан ўтказилади. Шундан сўнг қоғоз массага елимли сув қўйиб, нарсалар ясашга яроқли хамир холатига келгунча аралаштирилади. Бундай массадан карнаваллар ниқоблари, ўқув қўлланмалари тайёрланади. Папье-машедан масса тайёрлаш рецептлари сероб, қоғоз массаси ва суюқ дурадгорлик елимини турли тўлдиргичлар: бўр, лой, ёғоч қипиқлари, зигир мой билан қўшиб тайёрлаш мумкин. Тайёрланган хамирдан турли хил нарсалар ясалади. Хамир 1-1,5 мм қалинликда ёйилиб, керакли маҳсулот устига ёпиштирилади, сўнгра қуритиб грунтланади. Грунт тайёр маҳсулотга юпқа қилиб суртилади. У қуригач, унинг сатхи жилвир билан сайқалланади, шундан кейингина мой ёки елимли бўёқ билан бўяб, маҳсулотни чиройли кўринишга келишучун ҳаракат қилиш керак.

Папье-маше жуда қўл келадиган ашё кўпгина мамлакатларида кенг фойдаланади. Папье-маше техникаси ёрдамида вазалар, патнислар, қутилар тайёрланади. Бу маҳсулот олий даражада мустаҳкам ва узоқ вақт хизмат қилади.

Папье-машедан маҳсулот тайёрлаш – жуда узоқ вақт давом этадиган жараён, бирон бир ўйинчоқларни тайёрлаш учун сизнинг бир кунингиз

кетади. Аввал осма косача қандай катталиқда бўлишини аниқлаб ва шарсимон шаклга эга бўлган буюмни (копток) топинг. Иш жараёнида копток думалаб кетавериши керак эмас, уни ёпишқоқ лента билан маҳкамлаш керак. Тайёрлаб қўйилган қоғозни учбурчакларга кесиб олиш лозим. Газета қоғозини бир идишга солиб қўямиз, папирус қоғозини эса бошқа идишга соламиз. Қоғознинг икки хилини ишлатиш тавсия этилади. Чунки бунда ёпиштирилган қаватларини фарқлай олиш мумкин бўлсин. Биринчи қаватига фақатгина сув ишлатилади. Бу жуда муҳимдир, бўлмаса тайёр косача коптокка қаттиқ ёпишиб қолиши мумкин. Қолган қоғоз қаватларига яхшилаб елим суртилади. Қанчалик кўп қават бўлса, шунча яхши бўлади. Кейин тайёр маҳсулот қуритилади.

## **ПАПЬЕ-МАШЕ УСУЛИДА ЎЙИНЧОҚЛАР ЯСАШ**

Папье-маше сўзи француз рассомининг исми ва фамилиясидир. Рассом биринчи бўлиб хамир ва қоғозни аралаштириб пластилинга ўхшаш масса ҳосил қилган, бу массани кўлда ғижимлаш орқали тайёрланади.

Тайёрлаш усули куйидагича:

1 қават ўров қоғоз ёки газетага олдиндан тайёрланган суяк хамирни суриб чиқамиз ва хамир сурилган қоғозни қўлимизда ғижимлаб майдалаб бир хил масса бўлгунча эзғилаймиз. Тайёр бўлган массани бўлакларга бўлиб хоҳлаган ўйинчоқни ясашимиз мумкин.

Ўйинчоқ ясаш давомида барча ҳайкалтарошлиқ усулларидан фойдаланишимиз мумкин бўлади. Ғижимлаш усули орқали ўйинчоқ яшадан кўпинча арча безаклари ясалади. Бунда ясалаётган ўйинчоқ ичига симдан илгак жойлаштирилади. Ясалган ўйинчоқ қуригандан сўнг қум қоғоз билан ишқаланиб, силлиқланади. Сўнгра оқ гуаш ёки тиш пастаси билан бўяб олинади. Қуригандан сўнг акварел бўёқ билан бўялади ва устидан лак берилади. Бу усул орқали сабзавотлар, мевалар, ҳайвон, паррандалар, қушлар, гуллар ва бошқа нарсаларни ясаш мумкин.

### **Папье-маше усулида «Лаган» ясаш**

Ҳозир папье-маше усулида лаган яшани кўриб чиқамиз. Сувни яхши шимадиган икки хил рангдаги юпка қоғозни олиб, уни майда бўлакчаларга бўламиз ва елим, сув тайёрлаб оламиз. Лаган сиртига вазелин ёки мой суртилади. Оқ юпка қоғоз бўлакларини сувга ботириб лаган устига текис қилиб сув билан ёпиштирамиз. Навбатдаги қоғоз қавати эса, бошқа оқ рангдаги қоғоз бўлакларидан елимланади. Бу ўз навбатида қоғоз қаватларини янглишиб кетишдан сақлайди. Бу ҳолат 6-7 маротаба такрорланади, охириги қаватни ёпиштириш оқ рангдаги қоғоз билан тугатилиши керак. Сўнг 3-4 кун ясалган буюм яхшилаб қуритилгандан кейин сиртидаги қоғоз қолип ажратиб олинади. Қолипнинг ички қисмини текислаб, унга хоҳлаган нусхани, масалан, пахта гули ва бошқаларни чизамиз.

### **Қоғоз бўлакларидан сабзавот ва мевалар, тарвуз - қовунлар ясаш**

Тарвуз ясаш учун оддий ҳаво пуфагини оламиз-да уни пуфлаб, думалоқ шакл ҳосил қиламиз. Ҳаво пуфагининг сиртига сувда намланган

қоғоз бұлақларини бир текис жойлаштириб чиқамиз. Устидан ПВА елимини суртиб сув шимадиган қоғоз бұлақларини елимлаймиз. Қоғоз бұлақлари икки хил қоғоздан йиртиб тайёрланади. Навбатма-навбат у ёки бу рангдаги қоғоз елимланади. Аввало бир қават сув шимадиган қаватидан оқ қоғоз ва шу тариқа қаватма-қават елимланади. Устки қавати текис бўлиши учун бұр майдаланиб елим билан аралаштирилади-да суртилиб чизилади: куригандан сўнг керакли бўёққа бўялади. Масалан: тарвузни яшил рангга, қовунни эса сарик рангга ва ҳ.к.

### **Тайёрлаш технологияси.**

Керакли ашёлар:

1. Эмульсия бўёғи.
2. Соф тупроқдан тайёрланган лой.
3. Газета бұлақлари.
4. Сув, ун (клейстер тайёрлаш учун).
5. Оқ қоғоз.
6. Қора духоба, озгина оқ чит, ҳар хил матолар.
7. “ПВА” ва “Момент” клейлари.
8. Бўйи 40 см, эни 2 см ёғоч.
9. Темирли пиво идиши, мих.
10. Мочалка (губка).
11. Гуашь, бўёқ, мўйқалам.
12. Леска, майда кум қоғоз.



Аввал қўғирчоқнинг бошини ясаймиз. Бунинг учун бизга лой керак бўлади. Лойдан ясалган каллани бош тарафидан пастга қаратиб кулоқларининг ўртасидан леска билан бўлиб оламиз. Шунда калланинг юз қисми ва орқа қисми пайдо бўлади. Силлиқ фанер устига юз тарафини кўямиз. Алоҳида идишда алебастрни сув билан аралаштириб тайёрлаб

оламиз. Лойдан ясалган юз қисмига озгина ёғ суртамиз ва тайёрланган алебастрни куйиб қолипни тайёрлаймиз ва очик ҳавода қуритамиз. Лойнинг орқа тарафини ҳам шу йўл билан тайёрлаб оламиз. Алебастр қотганда сўнг ичидаги лойни олиб ташлаймиз ва қолип ичига папье-маше қилиб бир неча кават коғоз ёпиштирамиз. Қоғозни қолип ичига елимлашда оқ қоғоздан бир неча бўлак елимлаймиз, чунки бош қисмининг усти оқ рангда бўлиши, кейин эса унга тана ранги берилишини ҳисобга олиш керак. Олдин сув ва ундан клейстер тайёрлаб оламиз. Қолипимиз ичига 4 қоплам сув билан қоғоз бўлақларини, сўнг клейстер билан газета бўлақларини ёпиштирамиз. Клейстер орқали 6 қоплам ҳосил қиламиз ва очик ҳавога бир кунга қўйиб қўямиз. Орқа тарафини ҳам шундай қиламиз. Энди қуриган қолипдаги ниқобни олиб устидаги кераксиз қоғозларни йиртиб ташланади. Ниқобнинг четига «Момент» клейдан суртиб, орқа ва олди қисми ёпиштирилади. Қуригандан сўнг бир-бирига ёпиштирилган жойига лента қилиб кесиб олинган читни «ПВА» елими билан ёпиштирилади. Калланинг ҳамма жойини оқ қоғоз ва клейстер билан 2 қатлам папье-маше қилинади. Ҳосил бўлган калла қуригандан сўнг даҳаннинг пастки тарафидан қайчи ёки бигиз орқали тешилади ва олдиндан тайёрланган ёғочни (40см) тикиб, калланинг тепа қисмидан қоқиб маҳкамланади ва устидан яна бир марта қоғоз билан папье-маше қилинади. Тайёр бўлган каллани бўяш учун идишга бўёқ тайёрлаймиз. Идишга сув, оҳак, ПВА елими солиб, яхшилаб аралаштирилади ва кизил, сариқ гуашдан солинади. Бўёқни одам танасининг рангига ўхшатишга ҳаракат қиламиз. Калла майда кум қоғоз орқали силлиқланади ва тайёрланган бўёқ билан бош қисм губкада бўялади. Бир хил қилиб бўяшга ҳаракат қилинади. Бўёқ икки-уч марта берилади. Бўёқ қуригандан сўнг гуаш орқали қўғирчоқнинг кўзи, қоши ва бошқа юз қисмлари чизилади. Сўнг қора духоба ёки қора матодан соч тайёрлаймиз ва калланинг бош қисмига елимлаймиз. Шундай қилиб қўғирчоғимизнинг калласи тайёр бўлади.

Қолган қисмини тайёрлаш учун андоза орқали қўғирчоқ танасини оқ читдан кесиб, тикиб оламиз. Танасидаги кўкрак қисмига губкадан ярим доира шаклида кесилади ва тикилади. Енг қисмига қўлини тайёр андоза орқали кесиб, тикиб олинади ва енг қисмига маҳкамланади. Тайёр андозадан кўйлақлар тикиб, кийгизилади. Бош қисмига тайёрланган бўёқ билан қўл, оёқ ва бўйин қисмлари бўялади. Қотгандан сўнг «ПВА» елими билан ёғочга ёпиштириб қотирилади.

### **Осма косача яшаш.**

Керакли жиҳозлар:

- газета;
- папирус қоғози;
- қайчи;
- қоғоз учун ишлатиладиган идиш;
- бита таҳсимча;;
- учта чашка;
- пуфак;
- арқон.

Буюмни тайёрлаш усули: Керакли ўлчовдаги шарсимон буюмни топинг. Коптокча иш вақтида думаламаслиги учун маҳкамлаб қўйинг. Тайёрлаб қўйган қоғозингиздан учбурчаклар қирқиб чиқинг. Папирус қоғозини бир идишга, газета қоғозини бошқасига солинг. Биринчи қавати фақат сувдан фойдаланади, акс ҳолда тайёр буюм коптокга ёпишмайди, қолган қаватларда қоғоз клейга ботирилади. Қаватлар қанчалик кўп бўлса, шунча яхши.

### **Қўғирчоқ тасвирини ясаш.**

Материаллар, газета, папирус қоғози, клей, қайчи, бирлаштириш учун картон қоғози, битта тахсимча, иккита идиш, рангли қоғоз, мато бўёқлари, елим, лак, пластилин.

Ишнинг бориши: пластилинни юмшатиб, юз шаклини ясашни бошланг. Юз белгилари катталаштириб ясалади, чунки қават-қават қоғоз остида бу белгилар кичиклашади. Модель тайёр бўлгандан кейин қоғоздан 7,5см узунлигидаги тўртбурчак олинг. Ундан бўйнини ҳосил қиламиз.

Қоғоздан ингичка, узун плоска йиртиб биринчи қаватини сув билан қопланг. Бошчани пластилин бўлаги билан ўрнатинг. Бошни аввал сувга ботирилган газета бўлақлари билан қопланг, кейинги қаватини папирус қоғози билан клейга хўллаб ёпиштиринг, бошни иккига бўламиз. Пластилинни олиб ташлаб, бўлагини букланг, юзини, танасини рангли бўёқлар билан бўянг ва қуритинг. Сочларни қоғоз ёки матодан ёпиштириб ясаб уни ҳам ёпиштирамиз, узунлиги 10см ли турбочка бўйнининг ичига ёпиштириб даханидан 2см узоқлигида киритиб тикланг. 23см – А дан В гача, 20см – С дан даража бўйаш керак. Машинада айлантириб тикиб чиқинг. Бўйнини ва тагини очиқ қолдирамиз. Қўлқопнинг ўнгини ўгириб, тешиги атрофига ёқани тикиб чиқамиз, бошини бўйнига мустаҳкам қилиб ёпиштирамиз. Шу тарзда бошқа персанажларни ҳам ясаш мумкин. Қуйидаги расмда папье-маше усулида ясалган ўйинчоқлардан намуналар берилган:





#### 4-МАВЗУ

### МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ ВА ЖИҲОЗЛАРИНИ ЯСАШ

#### Режа:

1. Мактабгача таълим муассасаларида театр турлари
2. Соя театри
3. Паҳмоқ театри. Паҳмоқ театрининг тузилиши ва жиҳозлари
4. Стол театри
5. Бармоқ театри

Маълумки, мамлакатимизда театрнинг деярли ҳамма турлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Театр бу юнунча (tiuation) сўздан олинган бўлиб томошахона деган маънони билдиради. Жажжи кичкинтойларимизнинг севимли театри бу қўғирчоқ театридир. Бу театр орқали болалар ўзларига яқин ва таниш бўлган ўйинчоқларни, айиқча, куёнча, кучукча ва бошқа қаҳрамонларни жонли равишда кўрадилар. Театр болаларга хурсандчилик ва қувонч бахш этиш билан бирга катта тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадир.

Мактабгача таълим муассасаларида катта спектаклларни қўйиш мумкин эмас. Кичик сахнали, кичик эртақ асосида ўзларининг ўйинчоқлари ёрдамида қўйишлари мумкин. Бу кичик кўринишларининг ҳар бири ҳам болаларда катта таасурот уйғотади ва байрам эртақларига кўтаринки руҳ бахш этади. Ҳар қандай бадий асарни қўғирчоқ театри орқали кўрсатилса, болалар учун янада тушунарли бўлади қўғирчоқ қўлқоп театрини айтиб бу театрларга мурожаат қилишимиз лозим. Чунки бундай эртақлар олами болаларнинг севимли томошаси ҳисобланади.

Қўғирчоқ тетри учун энг керакли бўлган ширмани тайёрлаб олиш керак. Ширманинг баландлиги 50 см, узунлиги 80 см рейка ёрдамида тайёрланади. Рейка, миҳ орқали қоқилиб, орқа томонига икки томони очиладиган қилиб, чарм орқали бирлаштириб унга парда тикилади ва ўрнатилади. Қўғирчоқларни папье - маше усулида тайёрлаш мумкин. Эртақ қаҳрамонлари тайёр бўлгач, текстни ёзиб, сахналаштиришга тайёрланади. Эртақ иштирокчилари, персонажлар, эртақ матни, бошловчи, эртақчи бобо ёки момолар бўлади.

Мактабгача таълим муассасаларида кўнгил очиш соатларида қуйидаги театр турларидан фойданиладилар:


- 1.Соя театри;
- 2.Стол театри;
- 3.Бармоқ театри;
- 4.Паҳмоқ театри;
- 5.Қўғирчоқ қўлқоп театри.

**Соя театри** – қўғирчоқ театрининг ўзига ҳос турларидан ҳисобланади. Унда қўғирчоқлар эмас балки шакллардан иборат ўйинчоқлар ўйнайди. Томоша қилувчилар сахна рўпарасида ўтириб, экранда ёруғлик орқали ҳаракатланаётган соялар: одамлар, ҳайвонлар ва қушлар соясини кўриши мумкин.

Соё театр учун одам ва ҳайвон сояларини болаларнинг ўзлари чизиб, қирқа оладилар. Болаларга шаклларни бошлари думларини қимирлатадиган қилишни ўргатиш керак, бунинг учун тарбиячи ёрдамида деталларни симлар билан бириктириб, спирал ҳолатда айлантриб қўйилади. Ҳаракатланувчи қисмлар қаттиқ симдан тайёрланади. Бундай ўйинчоқларни шаблон ёрдамида ёки ўзлари ўйлаб, силуэт чизадилар. Болалар деталларни қирқиб олганларидан сўнг фигурага кўзини қилиш кераклиги таклиф этилади. Тарбиячи кўз ўрнини ўткир асбоб билан тешиб беради, болалар қалам ёки мўйқалам таёқчаси билан тешикчани кенгайтиради ва ялтироқ қоғоз билан кўзини елимлайди. Болалар елимга қора бўёқ аралаштриб кўзини чизиб қўйишлари мумкин.


Театрни кўрсатишлари учун тарбиячи экранни юпқа матодан ёки калька қоғозидан 2x1,5 метрли рамкага сириб тайёрланади. 100 вольтли лампа керак. Чироқ қути ичига жойлаштририлади, ичини қора рангга бўялади. Таранг қилиб сирилган матога қоғоздан декорация жиҳозини аппликация қилиб қўйиш мумкин. Болалар ўзлари тайёрлаган фигураларни экранда кўриб, шодликлари бекиёс бўладик, уларнинг кичик шакллари мўжиза бўлиб кўринади. Соё театрини болаларга катталар қўйиб берадилар.

Аввало картон ёки фанер орқали экран ясаиб, экранни юпқа оқ дока сурп билан тортиб маҳкамланади. Сўнгра ҳар бир гуруҳ ёшига мос равишда эртакни танлаб унинг қаҳрамонларини картонга тушириб, жуда эҳтиёткорлик билан қирқилади. Кейин уни қора гуаш билан бўялади ва қирқилади. Сўнгра чироқ яъни ёруғлик тушириб, сахналаштририлган эртак намойиш қилинади.




**Стол театри.** Стол театрининг бир неча тури мавжуд: бирида пьеса оддий сахнада-пардасиз ширмада, бошқаси қутичага ўхшаш сахнада (картон

театр), учинчиси ясси театрда, сахна икки бўлак картондан қилинади. Бу театрлардаги «артистлар» кўл билан, тагликлар, сим ва магнит орқали турлича ҳаракат қилади. Шаклларнинг тузилиши ҳам турличадир. Иш эртак ёки масал танлашдан бошланади, сўнгра унга мос персонажлар тайёрланади. Жониворлар шакллари болалар бадий китоблардан калькага кўчиришлари мумкин. Калькадаги расмни нусха қоғоз ёрдамида иккита оқ қоғозга туширилади. Бу расмларни рангли қалам билан бўяб, биттасини картонга ёпиштирилади ва картонни шу расм контури бўйлаб қирқилади. Картоннинг иккинчи томонига иккинчи расм ёпиштирилади, шу билан фигура тайёр ҳисобланади. Шундан сўнг яримта ғалтак ва чўп орқали баландлиги 9-10 см бўлган таглик тайёрланади. Чўпнинг учига фигура ўрнатилади, ғалтак йиқилиб тушмаслиги учун унинг тагига доира қилиб қирқилган картон ёпиштирилади.



Сахна-ширма фигуранинг таглиги кўринмаслиги учун бутунликда қилинади. Ширмани бўяш ёки унга рангли қоғоз ёпиштириш керак. Ширмадан 20-22 см оралиқ декорация ўрнатилади. Агарда ўрмон, дала, дарё, тоғларни тасвирлаш лозим бўлса, мувофиқ келувчи суратни топиб, унга оқ рамка қилиш, расмни картонга ёпиштириш керак. Декорацияни ярим доира шаклида эгиш ҳам мумкин. Сахна-ширма стол устига қўйилади, унинг орқасида эса фигураларни юрғазадиган ва улар учун гапирадиган ўқувчилар туради. Агарда пьеса давомида декорация ўзгариб туриши керак бўлса, китоб сифатли қилиб бирлаштирилган картонга ёпиштирилиши лозим. Унинг ҳар бир саҳифасида битта декорация бўлади.

Агар қуённи ясаш керак бўлса, аввал бутун фигурани, сўнгра унинг олдинги оёғини бир оз узунроқ ясаб қирқиб олинади. Бу олд оёққа сим



ўтказилади. У мана шу сим воситасида бошқарилади. Тайёрлаб қўйилган олд оёққа тешик қилиниб ип ўтказилади, ипнинг бир учи оёққа бир парча қоғоз билан туташтирилади ва ипнинг иккинчи учи фигурадан ўтказилиб тарангрок қилиб тортилади ва фигуранинг ич томонига ёпиштириб қўйилади. Қуйида эртак асосида стол театри қахрамонлари намуналари берилган:




**Картон театрнинг жиҳозлари.** Картон театрда картондан ясалган ясси ва ҳажмли қўғирчоқ фигуралар иштирок этади. Бир томонлама шакллар ип, сим ва шу кабилар ёрдамида фақат бир томонга ҳаракат қилади. Картон театрда юқоридан туриб ип, сим билан бошқариладиган шакллар ҳам қатнашади, улар енгил ҳаракат қиладилар, бурила оладилар. Сахна уч бўлак картон ёки фанердан ясалади. Сахнанинг асосий қисмлари: орқа девор, пол ва олди пештоқли девордир. Деворларга икки томондан картон полосалар ёпиштирилади, бу полосаларга декорациялар осилади. Декорацияларни уларнинг ўзларидан каттароқ картонга ёпиштириш керак, чунки уларда осгичлар қирқилади. Парданинг расми ҳам ўзидан каттароқ картонга ёпиштирилади, бу уни кўтариш ва туширишга қулайдир. Кўпгина спектакллар учун ҳаракатланувчи декорациялар керак бўлади. Бундай декорация шаклларнинг тез ҳаракат қилаётганлигини билдириш учун қўлланилади. Ҳаракатланувчи декорация 3-4 метрли қоғоз лентадан ишланиб, орқа деворга қилинган тешикдан ўтказилади ва керак вақтда тортиб, ҳаракатга келтирилади. Айтайлик, фигура чап томонга ҳаракат

килдирилмоқчи бўлса, декорация ўнг томонга тортилиб тез ҳаракат қилаётгандек тасаввур ҳосил қилинади. Саҳна бошқача қурилиши ҳам мумкин, бундай ҳолда унинг олд қисми триляжга ўхшайди. Унда пештоқ-сахна ойнаси қирқилади. Бундай ҳолда ойна орқасида ундан 2-3 см ораликда ингичка думалоқ чўп ўрнатилади. Чўпни ўрнатишдан олдин унга 10 тача сим айланалар киргизилиб, уларга суриладиган парда ўрнатилади. Парда бурма бўлиши учун кенгроқ бўлиши керак. Пунктир билан агарда ижрочиларнинг кўлини яширишнинг хожати бўлмаса, олиб ташланиши осон 9-10 смли бўлган тахтача кўрсатилган. Саҳна бундай қурилганда декорациялар кўп қаватли парда кўринишига эга бўлади ёки картон доирага жойлашади. Бу доира ингичка михда айланиб, декорацияни тезда алмаштириш, баъзи ҳолларда ҳаракатланувчи декорацияни кўрсатиш имконини беради. Декорацияларнинг тез алмашиши учун уларни канцелярия наколкасига ўхшаш вертушкага ўрнатилади. Бу доира тахтага ўрнатилган бир бўлак йўғон симдир. Доира ёки ветушка орқасига дока ёки тюль тортилган уч ост рамкадан иборат парда жойланади. Дока кўк ёки оч кўк рангга бўялади. Бундай тўсиқдан ижрочилар сахнани бемалол кўриб тура оладилар ва шаклларни ишонч билан бошқара оладилар.

Саҳнани ёритиш катта аҳамиятга эгадир. Уларни шундай жойлаштириш керакки, улар сахнани ёритсин-у нури томошабинларга тушмасин.

Муסיқа барча театр постановкаларининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Маълумки, спектакль муסיқали киришдан бошланади. Муסיқали танаффус вақтида декорация алмашади. Товуш ва ёруғлик эффекти билан бириккан муסיқа «Фонус хаёл» театрида ҳам, стол театрида ҳам мукамал бадий тасвирни яратиш имконини беради. Бу театрларда овозга тақлид қилиш, хўрознинг қичқариши, мушукнинг миёвлаши, айиқнинг ўкириши ҳамда шовқин эффектлари-ёғаётган ёмғир овози, паровознинг пишиллаши ва шу кабилардан фойдаланилади.



**Бармоқ театри.** Ёз ойида болаларнинг ўз қўллари билан ясаган ўйинчоқларидан ўйинчоқ театрлари, стол ва бармоқ театрлари ташкил қилганда фойдаланиш мумкин. Бунда болалар нафақат оддий тамошабин, бўлиб қолмасдан улар меҳнат қилувчи, ижодкорга айланиб, ўзларидан кичик укаларига театр кўрсатиш билан уларни хурсанд қиладилар.

Бармоқ театри қахрамонларини қоғоздан яшаш мумкин. Бу кичик конус ва цилиндр шаклидаги бармоққа кийиш учун ясалган. Қоғоздан одам, хайвонларнинг кичик шаклида бармоққа тасвирини тайёрлаб, уни бармоққа қоғоздан узук шаклида ясалган қоғоз ҳалқага елимлаб, бармоққа кийиб олинади. Театр қахрамонларини кичик қутичалардан ҳам яшаш мумкин. Қутичаларнинг таг томонидан бармоқни киргизиш учун жой тайёрлаб, қутичага хоҳлаган қиёфа бериш мумкин. Қутичанинг қулай томонидан бармоқ сиғадиган кичик тешикча қилиб қўйилади, масалан: гугурт қутисидан, кублардан, думалоқ шаклдаги қутичалардан ва бошқалардан. Бармоқ театри учун турли хил газламалардан фойдаланиш анча кенг тарқалган. Бунда газламанинг ситилиб кетмайдиган хили танланади ва унинг тескари томонидан тикиб, сўнгра ўнгига ағдарилади, қолган жойи тикиб чиқилади. Болаларга андозанинг тескари томонидан тикишни, кўз, қош, бурун, оғиз кабиларни тикиш ёки ёпиштириш кераклигини айтиб, уларни бажаришга ундаш мумкин. Болалар мустақил соч, жияк, лента ва тўрдан безакларни ўзлари тикадилар. Паралондан ҳам бармоқ театри қахрамонларини яшаш мумкин. Паралондан турли қахрамонларнинг бош қисмини тайёрлаб, бармоққа кийгазиш жойини қилиб, қахрамонларни безатишда матолардан ҳам фойдаланиш мумкин. Мактабга тайёрлов гуруҳи болалари иштирокида бармоққа кийиш учун қахрамонни бармоққа мос қилиб бичиб, усти томонидан «ҳалқа» чоки билан, баъзан эса тўғри чок билан ички томонидан тикиб, ўнги томонига ўгирилади. Деталларни болалар ўзлари тугмача, жун иплар ёрдамида жиҳозлайдилар. Бармоқ театрини қоғоз қуюқасидан ҳам яшаш мумкин. Бунда қоғоздан цилиндр шаклини ясаб, бармоққа мос қилиб қоғоз қуйқани цилинрга киргизиб, сўнг хоҳлаган шаклни яшаш мумкин. Қуригандан кейин бош қисмларни бўяш лозим. Уларга баъзи деталларни қоғоздан қирқиб, елимлаб қўйса бўлади. Масалан: қулоқларни, кўзларни эса тугмачадан, матолардан, турли иплардан сочларни қилиш мумкин. Бундай ўйинчоқларни катта мактабгача ёшдаги болалар мустақил бажарадилар. Картонга чизиб қирқилган шакллардан: қизча, қушча, хайвонлар бошининг орқа томонига кичик картон қоғоз қолдиғидан бармоқ сиғулик қилиб ёпиштириб қўйиш мумкин.

Бармоқ театри бошқа театрлар кабидир, лекин унинг фарқи шундаки ҳар бир эртак қахрамони болаларнинг бармоқларига мос кичик ёки эртак кўрсатувчининг бармоғига тўғри келадиган қилиб тайёрланади.

**Дикир-дикир ўйинчоқлар.** Дикир-дикир ўйинчоқларни яшаш учун кичик картонга одам ва хайвонлар тасвирини чизиш керак, уларнинг оёқлари эса чизилмайди. Чизилган тасвирни қирқиб оламыз. Шаклларни кафтимизнинг орқа томонига резина билан мустаҳкамлаб, кўрсатгич ёки ўрта бармоққа атир шиша қопқоғини кийиб, резина билан мустаҳкамлаб, столда

шаклларни юргазамиз. Уларни чоптириш, ўйинга тушириш мумкин. Катта, тайёрлов гуруҳ болалари бундай ўйинчоқларни мустақил ясай олишади.

**Қўлқоп кўғирчоқлар**(бармоқсиз қўлқоп). Эски қўлқопча, қўлқоп кўғирчоқларни яшаш учун ашё бўла олади. Бундай ўйинчоқларни ҳам болаларнинг ўзлари яшашлари мумкин. Қўлқоп кўғирчоқнинг бош қисми, катта бармоқ эса, бурун бўлиб хизмат қилади. Қўлқопни тўлиқ хайвонга айлантириб олиш ҳам мумкин, бунда катта бармоқ дум вазифасини ўтайди. Қўлқоп кўғирчоқ танаси бўлиши, унга бош ва бошқа деталларни бириктириш ҳам мумкин. Қўлқоп топилмаса, унда тўқилган эски буюм ёки матодан фойдаланамиз. Бунда бичишда бармоқ ўрнини бичиш шарт эмас, турли деталлар унга тикиб қўйилади.

**Қўлқоп кўғирчоқлар**(бармоқли қўлқоп). Қаҳрамонларни эски қўлқоплардан тайёрласа бўлади. Агар эски қўлқоп топилмаса, уни тикиш мумкин. Болаларга тавсия этиладиган қўлқопнинг андозаси (беш бармоқлимас, тўрт бармоқли) бўлиши мумкин. Деталларни болалар бичиб, ҳалқа чоки билан тикадилар. Бош қисмини чизиб ёки тикиб, белгиланган жойга бирлаштириб қўйиш мумкин. Кўғирчоқнинг асл нусхасини эски қўлқопдан тикса бўлади. Ортиқча деталини пунктир чизиғи билан белгилаб, олиб ташланади ва хоҳлаган эртақ қаҳрамонларига эга бўлиш мумкин. Қўлқопга пайпоқдан озгина улаб қўйилса, қўлга кийиб, тугмачадан кўзларини қилиб қўйилса, қўл бармоқ ҳаракати билан гапираётган ҳаракат ҳолатини кўрсатиш мумкин. Болалар бундай қаҳрамонларни ўзлари ясай оладилар, айниқса икки эски қўлқопдан ясалган ўйинчоқ: кучукча, мушукча, куёнча, бўри, тулкичаларни тайёрлаш қийин эмас. Қўлқопнинг кўрсаткич ва катта бармоғи дум бўлади, унинг ортиқча қисмлари тикиб ташланади. Қаҳрамонларнинг айрим деталларини жихозлашда тугмачалар, дур доначаларини ишлатиш мумкин. Бундай ўйинчоқлардан болалар саҳналаштириш фаолиятида фойдаланадилар.

**Паҳмоқ театри. Паҳмоқ театрининг тузилиши ва жиҳозлари.** Маълумки, болаларнинг ҳар томонлама ривожланишларида турли ўйинлар ва театрлаштирилган тadbирларнинг аҳамияти каттадир. Бунда стол устида ўйналадиган ўйинчоқлар кўғирчоқлар театридан кенг фойданилади.

Паҳмоқ театрининг ўзига ҳос томони шундаки, кичкинтойлар, асосан, эртақ қаҳрамонларининг айнан ўзини кўрадилар. Персонажлар паҳмоқ экранга ёпиштирилади. Экран тайёрлаш учун баландлиги 40 узунлиги 60 см ли қалин картон ёки фанер устига паҳмоқ газламаси яхшилаб ёпиштирилади. Персонажлар экранда мана шу экран орқали ёпиштирилади. Болалар учун мўлжалланган паҳмоқ театри эртақ иштирокчилари, персонажлар, декорациялар, эртақ матни, бошловчи эртақчи бобо ёки момолардан иборат бўлади.

Паҳмоқ театри учун персонажлар қуйидагича тайёрланади: персонажлар картон қоғоздан қирқиб олинади ва рангли бўёқда, гуашда бўялади. Тайёр бўлган персонажлар эртақ матни билан бирга папкага солиб қўйилади.

## 5-МАВЗУ

### МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАБИЙ ВА ТАШЛАНДИҚ МАТЕРИАЛЛАРДАН ЎЙИНЧОҚЛАР ЯСАШ

#### Режа:

1. Табиий ва ташландиқ материалларни тўплаш
2. Табиий ва ташландиқ материаллардан ўйинчоқлар ясаш

Табиий материаллар тарбиячи раҳбарлигида экскурсияларда тўпланади. Экскурсия уюштиришдан олдин болаларга бўлажак иш намунаси кўрсатилади. Болалар уни диққат билан кўриб, унда ишлатилган барг пластинкаларининг шаклини, дарахт навларини аниқлайдилар. Шундан сўнг уюштириладиган экскурсия режаси тузилади. Экскурсия маршрутида алоҳида эътибор бериладиган объект (эман, заранг, акация дарахтлари, хашаротлар, ниначи)лар аниқланади. Болаларнинг эътиборлари ва ақлий фаолиятларини кузатилаётган объектнинг зарур бўлган асосий муҳим белгилари ва хусусиятларини ажратишга, тўпланаётган материални тўғри баҳолашга йўллайдиган саволлар тузилади.

Дарахтзорга келганда болалар кайфияти кўтарилиб, улар ҳар нарсага кизиқиш билан қарайдилар, барглар, уларнинг ранглари болаларни ажаблантиради. Улар кузнинг бутун гўзаллигини, унинг рангларини, тўкилган барглар хиди ва улар ўзининг эластиклик хусусиятини йўқотганлигини, қаттиқлашиб, синувчан бўлиб қолганлигини кўрадилар. Болаларнинг атроф-табиат билан завқланишлари камайиб боришига қараб, уларнинг эътибори баргларнинг шакли, дарахтлар навларига қаратилади. Ана шу вақтда ўсимликларда содир бўлаётган ички жараёнлар қисқа ва тушунарли шаклда баён этиб берилади: жумладан, ўсимлик янги шароитларга мослашиб, қишга тайёргарлик кўряпти. Баргларни тўкиш бу ўзига хос ҳимоя туридир, чунки барглар сувни кўп буғлантиради, қишда эса тупроқдан намлик жуда кам миқдорда келади. Шундан кейин болаларнинг эътибори атрофда учиб юрган капалак, ниначиларга, уларнинг асосий белгиларига жалб қилинади. Учиб юрган хашаротлар уларнинг тузилиш шакллари меҳнат дарсларида хашаротлар аппликациясини тайёрлаш учун образ, тўпланган барглар материал хизматини ўташи керак.

Болалар баргларни тўплар эканлар, уларнинг ранглари, шаклларини қиёслашни ўрганадилар, бу уларнинг кузатувчанлигини ўстиришга ёрдам беради. Тўпланган барглар олдиндан тайёрлаб қўйилган дафтар варақлари орасига қўйилади. Шундан кейин болаларга баргларнинг меҳнат машгулотларигача рангини йўқотмаслиги, буралиб кетмаслиги учун қандай ишлов бериш кераклиги тушунтирилади. Ҳар бир экскурсияда болаларнинг эътибори инсоннинг яратувчилик меҳнатига албатта жалб этилиши керак, Экскурсия охирида унга якун ясалади, экскурсияда эгалланган билимлар умумлаштирилади. Бундан ташқари, болаларга капалак ва ниначилар тасвири туширилган расмларни кўриш, уларнинг танаси ва қанотларининг шакли, ранги қандайлигига алоҳида эътибор бериш топширилади.



Бундай уюштирилган экскурсиядан кейинги машгулотда болалар аппликацияларни зўр иштиёқ билан намойиш қиладилар, агарда аппликацияни ўз истакларига кўра, ўзлари тўплаган материаллардан мустақил яшаш топширилса, қизиқишлари янада ортади. Бундай машгулот қуйидаги схемага эга бўлиши мумкин:

1. Машгулот мавзуси ва мақсадини айтиш.
2. Ўтказилган экскурсия бўйича суҳбат қуйидагича бўлади:
  - а) экскурсияда қаерда бўлдик?
  - б) қандай дарахтларни кўрдик, уларнинг номи қандай?
  - в) уларнинг баргларининг шакли бир хилми?
  - г) қандай ҳашаротларни кўрдик?
3. Намуна таҳлили:
  - а) капалак қандай қисмлардан ташкил топган?
  - б) унинг қисмлари қандай жойлашган?
  - в) уни тасвирлашда қайси дарахтлар баргларида фойдаланилган?
4. Ишни бажариш тартибини аниқлаш:
  - а) капалакнинг айрим қисмлари (танаси, қанотлари)нинг жойлашишини тасвирлаш;
  - б) капалакнинг танаси ва қанотлари учун шакли ҳамда ўлчамлари бир хил бўлган барглари топиш;
  - в) уларни қоғозда жойлаштириш;
  - г) ишни амалий бажариш.
5. Тарбиячининг ишни бажариш усуллари ҳақидаги тушунтиришлари.
6. Аппликацияни бажариш бўйича мустақил иш:
  - а) капалакнинг айрим қисмларини қоғозда тўғри тасвирлаш;
  - б) шакл, ўлчам ва бўёқларини тўғри танлаш;
  - в) елимлаш ишларини тартибли бажариш;
  - г) капалакнинг кўз ва мўйларини тўғри тасвирлаш;
  - д) иш бажарилган қоғознинг орқасида баргларида фойдаланилган дарахтларнинг номларини ёзиш;
7. Ишни баҳолаш.

Ижодий характердаги ишлар. Масалан: «Балиқлардан композиция тузиш». Тарбиячи умумий вазифа беради, болалар эса, тарбиячи намунаси асосида ўз вариантларини излайдилар.

Тарбиячи доскага балиқ расми тасвирланган плакатни осиб қўйиб, болалар билан биргаликда балиқ танаси, балиқнинг боши, қанотлари, думининг шакли таҳлил қилинади. Балиқ турига кўра унинг танаси, қанот ва думлари ҳар хил бўлиши мумкинлиги аниқланади, шунинг учун бу ишда турли табиий материаллардан фойдаланиш мумкин бўлади. Шундан сўнг ишни бажариш тартиби аниқланади. Аввал балиқ қисмлари учун материал танлаш, унинг умумий тарҳини чизиш керак. Шундан кейин қайси деталнинг қандай тартибда елимланишини, деталларнинг жойларини аниқлаш ва сўнггра ишга киришиш лозим. Бундай юмушлар бажарилаётган ишга ижодий

ёндошишни ўстиришга ёрдам беради. Машғулотга яқун яшаш ва бажарилган ишни баҳолашда тарбиячи фойдаланилган материаллар номини сўрайди.

Бу табиий материаллар билан ишлаш машғулотининг тахминий тузилишидир.

## **6-МАВЗУ**

### **КАШТА ТИКИШ. КАШТАЧИЛИК ТАРИХИ ВА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

#### **РЕЖА:**

1. Каштачиликда безак буюмларининг турлари
2. Кашта тикиш технологияси

Миллий каштачилик (каштадўзлик) амалий санъатнинг энг қадимий турларидан бўлиб, у халқнинг ўз турмушини гўзал қилиш истаги натижасида юзага келган. Каштачилик санъати нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам шуҳрат қозонган. Ўзбек халқ усталари қўллари билан тикилган кирпеч, сўзана, зардевор, гулкўрпа, чойшаб кабилар Германия, Белгия, Америка Қўшма Штатлари, Ҳиндистон, Афғонистон каби хорижий давлатлар музейларида доимий экспозицияга айланиб қолган.

Ҳозиргача буюмлар ўзига хос гўзаллик, нафис безакларнинг ранг-баранглиги билан кишиларни ҳайратга солиб келмоқда. Бадиий каштачилик узоқ тарихга эга. Ўзбек каштачилиги иқлим, табиий шароит, муҳит билан боғлиқ ҳолда барча касб-ҳунарлари билан биргаликда ривож топган. Каштачилик санъатининг энг қадимийси сақланмаган. XIV – XV асрларга мансуб миниатюралар орқали каштачиликнинг жуда қадимдан ривожланганлигини кўриш мумкин. Испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихо Амир Темур саройида ўзбек миллий кашта безакларини кўрганини кундалигида ёзиб қолдирган. 1467-йили Камолиддин Бехзод «Зафарнома» га ишлаган «Темур тахтда» миниатюрасида чодирга ишлаган каштани ҳам акс эттирган. XIX – асрнинг иккинчи ярмида кашта тикиш машинасининг ихтиро этилиши каштачилик корхоналарининг вужудга келишига асос солди. Машинада кашталарнинг кўп ишлаб чиқарилиши уларнинг бадиийлигига путур етказди. Қўл кашталари унутила бошланди. Лекин айрим хилларигина сақланиб қолди. Ўзбек каштачилиги қўшни халқлар каштачилиги таъсирида бойиди ва ривожланди.

Каштачилик санъатида ҳар бир миллатнинг ўзига хос энг кўп қўллайдиган нақшлари бўлади. Чунончи ўзбек кашталарида ўсимликсимон, геометрик ҳамда гул нақшлари кўп бўлса, рус каштачилигида геометрик, ўсимликсимон шакллар, гуллар, қуш ва мевалар кўп тасвирланади. Қозоқ ва қирғиз каштачилигида эса кўпроқ хайвонлар, шох ва туёқларни эслатувчи элементлар тасвирланади.

Қадимий анъаналарга кўра, ўзбек қизлари бўлажак келинлик сеплари ҳар хил каштачилик буюмларини ўзлари тайёрлашлари лозим эди. Кашталар қанчалик нозик, чиройли бўлса, шунчалик қимматга баҳоланар эди. Қизларга

7-9 ёшидан бошлаб кашта тикишга ўргатиларди. Улар уч-тўрт йилдан кейин мустақил кашта тика бошлайдилар. Етишиб чиққан каштачилар ўзининг санъати ва табиатига кўра гўзаллик ҳақидаги орзуларини ифодалашга ҳаракат қилганлар.

Каштачиликнинг махсус турларидан бири – аппликациядир. Аппликация каштадўзликнинг махсус тури бўлиб, у ўзига хос технологияга эга. Асосий матога рангдор мато парчасини, чарм ва бошқаларни қадаб, атрофи чокланади, аппликацияда кўпинча чизма чоклардан фойдаланилади.

## **КАШТАЧИЛИКДА БЕЗАК БУЮМЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ**

Ўрта Осиёда каштачилик жуда кенг тарқалган бўлиб, оилада ҳар бир аёл кашта тикишни билиши керак бўлган. Шунинг учун ҳар бир оила ўзи учун кирпеч, сўзана, дорпеч, ойнахалта, чойхалта ва бошқаларни ўзи тайёрлаган. Безак буюмларининг тури жуда кўп масалан, сўзана, кирпеч, чойшаб ойхалта, чой халта, зардевор, палак, гул-кўрпаг дорпеч, буғжом, парда, белбоғ, такянуш (ёстиқ устига ёпиладиган), Дўппи, кўйлак, дастрўмол, ҳамён, жойнамоз, нимча, махси-кавуш, халтача ва бошқалар бадий дид билан безатилган. Утмишда бу кашталар оқ ва малла матоларга тикилган. Кейинчалик сатин, шойи бахмалга тикиладиган бўлди. Каштачиликда ишлатиладиган безак буюм турлари билан танишиб чиқамиз.

Дўппи – Ўзбекистонда кенг тарқалган енгил бош кийим. Дўппи кийиш дастлаб Эронда ва туркий халқлар ўртасида расм бўлган. Асрлар давомида дўппининг турли хиллари вужудга келган. Бахмалга, сатинга, сидирға шойига ип, ипак ва зар билан дўппи гуллари тикилган. Ўзбекистонда, Тошкент, Чуст, Бухоро, Самарқанд, Бойсун, Шаҳрисабз дўппилари машҳур бўлиб, улар ўзига ҳосдир.

Мамлакатимизнинг барча туманларида дўппи тикилади. Унинг Ироқи, Чуст дўппи, гилам дўппи, чакма тур, қизил гул, пилтадўзи, зардўппи, тўлдирма деб номланадиган миллий дўппилар бор. Ҳар бир дўппи яратилиш услубига эга бўлиб, улар бир-биридан фарқ қилади.

Арағчин – шарсимон дўппи, уни асосан кексалар кияди. Тошкентда шарсимон дўппилар канда хаёл, босма, чакматор, ироқи чок усулларида тикилади.

Тус дўппи – кенг тарқалган ясси юзали дўппи. Кўпинча тус дўппи чуст дўппи деб юритилади. Тус дўппиларнинг биргина классик вариантнинг ўзида саккизта чок услуби қўлланилади. Масалан, занжира, тўғри чок, чита, кунгура, еталатма, тароқ, ова, пилдироқ. Чуст дўпписининг тепаси квадрат шаклида бўртиб чиқиб, ярим шар кўринишида бўлади. Тошкент дўпписи сидирға бахмалдан ( гулсиз ) тикилган бўлади. Бухоро дўппилари сидирға ёки гули бахмалдан жиякли қилиб тикилади, жияги турли хил ипаклардан рангдор нақшли йўрма усулида тикилган бўлади.

Жойнамоз – ерга солиб устида намоз ўқийдиган тўшама. Жойнамоз ҳар хил матодан тайёрланиб, унинг уч томони меҳроб шаклида тикилган бўлади.

Ундан мачит, мадраса ва уйларда фойдаланилади. У турли ўлчамда бўлади. Жойнамоз каштачиликда жуда чиройли қилиб безатилади.

Зардевор – уй жиҳози, у сидирға шойи бахмал, сатинга кашта тикиб безатилган бадий буюм. Зардевор янги тушган келиннинг уйига, шифтига ёки деворига илиб қўйилади. У зар ип ёки ипак гажимли бўлиб, эни 40-70см узунлиги мўлжалланган уйнинг деворига мослаб тикилади.

Палак – деворларга илиниб энг йирик, энг қиммат безак буюмларидан бири. Палакда осмон ва тўлин ой акс эттирилади. Уни қадимда оқ ёки малла бўзга кашта тикиб тайёрланган. У сўзанадан гулларининг йириклиги, заминига ҳам кашта қопланиши билан фарқ қилади. Палакни ўртасида йирик ой тасвири кизил кирмизи, пушти ипак билан кашталанади ва атрофига жуда чиройли қилиб ўсимликсимон нақшлар тикилади. Нақшлар ичида кўпинча бодом, қалампир элементлари қўлланилади. Палакда қирқтача ой ҳам тасвирлаш мумкин, шунинг учун ойини сонига қараб олти ойли палак, ўн икки ойли палак, ҳаттоки катта уйлар учун қирқ ойли палак тикилгани бизга маълум. Ойлар турли ранглар билан бир неча хил тасвирланган. Машхур каштадўзлар баъзида ойни ажойиб нақшлар билан безаб, ўз маҳоратларини намойиш этганлар. Агар ойни ичида сидирға рангда ифодаланган бўлса, уни, ойпалак, агар нақшли бўлса гулпалак ва хоказо номлар билан юритилади. Кейинги вақтларда палакни қўл меҳнати кўп бўлгани учун сўзана дейила бошланди. Лекин ҳозир палакни қўлда тикишга катта аҳамият берилмокда.

Кирпеч – тоқчага тахлаб қўйилган кийим-кечак устидан ёки деворнинг бўш жойларига илиб, уйни безатиб туриши учун ишлатиладиган бадий буюм. Кирпеч кашталари қўлда ёки машинада тикилади. Кирпеч қўлда илма кашта билан безалади. У кийим-кечакни чангдан саклайди ва уйни безаб туради. Одатда, палакка ўхшатиб тикилгани кирпечпалак деб юритилади. Бу тури ҳам кенг ишлатилади.

Сўзана – игна билан тикилган деган маънони беради. Сўзана матога кашта тикиб тайёрланган бадий буюм бўлиб, хонани безатиш учун деворга илиб қўйилади. У сатин, бахмал, шойи ва бошқа матоларга кашта тикиб тайёрланади. У ўзига хос бадий кўринишга эга. Матонинг рангидан усталаримиз кашта замини сифатида фойдаланадилар. Шунинг учун у палакдан фарқ қилади. Сўзана ҳар бир хонадонда бўлган, чунки ҳар бир киз турмушга чиқишидан олдин ўзи учун сўзана тайёрлаган. Сўзана келинларнинг сепи хисобланган. Камбағал оилада сўзанани малла, оқ бўздан, бадавлатроқларида эса шойидан, бахмалдан тикишган. Сўзана учун композицион жойлашган ўсимликсимон нақшлардан фойдаланилади. Сўзана ўртасида кўпинча доирасимон гул тикилиб атрофи гулдор ислимий нақшлар билан безатилади. Сўзана тикиш жуда қадимдан ривожланган, лекин XIX-асргача бўлган сўзаналар сақланмаган. Фақат XIX-асрга оид Самарканд, Бухоро, Нурота, Фарғона, Уратепа, Шахрисабз, Тошкент ва бошқа жойлардаги сўзана турларидан намуналар бор. Санъатнинг бу тури айниқса Ўзбекистон ҳудудида қадимдан кенг тарқалган. Кейинги пайтларда сўзана машинада тикилиб келмокда.

Чойшаб – форсча-тожикча рўйжотун чодир деган маънони билдиради. Чойшаб асосан тахмонга тутиш, ётганда ёпиниш учун тўшак устидан тўшаллади. Тўшак устидан ёпиладиган чойшаб ҳам каштали оқ сурп, тахмонга тутиладиган сатин, шойи, бахмал ва бошқалардан тикилади. Ҳозирги вақтда чойшабдан сўзана каби бадий буюм сифатида ҳам фойдаланиб келинмоқда.

## КАШТА ТИКИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Кашта турли рангдаги ипак, мулина, зар ип билан игна, илмоқли бигизда ҳар хил матога машинада гул тикишлар. Кашта ҳар хил кийимларга, рўзғор буюмларига тикилади. Каштачиликда мато, кигиз, чарм, картон, зиғир, жун, сунъий иплар, зар иплар, майин сим, хом чармдан тайёрланган тасмалар, мунчоқ, маржон, қимматбаҳо табиий ва сунъий тошлар, шишадан тайёрланган мунчоқлар ва бошқа материаллар ишлатилади. Каштачиликда ўзига хос иш қуроллари мавжуд бўлиб, улар ўзига хос вазифани бажаради. Каштачиликда игналар, илмоқли ва илмоқсиз бигизлар, тўғнағич, ангишвона қайчи ҳамда чамбараклар ишлатилади.

Чамбарак асосан ёғочдан ясалади, у доира, квадрат, тўғри тўртбурчак шаклида бўлади. Кичик кашталарга доира чамбарак ишлатилади, чунки у қулайдир. Ҳамма кашталарга ҳам чамбарак ишлатилавермайди. Ип ва игна кашта тикиладиган матолар қалинлигига мос қилиб танланади. Каштачиликда ёғоч дастали икки хил, яъни илмоқли ва илмоқсиз бигизлар ишлатилади. Айрим материалларга, масалан, чарм ва картонга қийналмасдан тикиш учун илмоқсиз бигизлар ишлатилади. Нақшлар учун ўткир учли 10-12см узунликдаги қайчилар ишлатилади. Тикиш қулай бўлиши учун қатим 50-60см дан узун бўлмаслиги лозим, кашта чамбаракда тикилса ангишвона қўлланилмайди. Нақш нусхаси турли материалларга ҳар хил йўллар билан туширилади. Масалан, нусха кўчириладиган қоғозлар тахта, ёруғлик ёрдамида материал устидан буклаб чиқилади, кейин бу қоғозлар йиртиб олинади. Каштага иплар рангини мослаб танлаш каштадўздан катта маҳорат ҳамда дид талаб қилади. Тўғри танланган ип каштанинг жозибадор чиқишига сабаб бўлади.

Қўлда кашта тикишнинг икки тури мавжуд: биринчиси матонинг арқон ҳамда ўрим ипларини санаб кашта тикиш, иккинчиси, матога гул тасвири тарҳини чизиб, эркин кашта тикиш. Арқон ўрим иплари кесиштирилиб, полотно ёки бўз шаклида тўқилган матоларга тикилади. Бунинг сабаби кашта тикишда мато ипларини санаб тикишга қулайдир. Санама кашта тури Ўзбекистонда кенг тарқалган. Эркин кашта мато танламайди, туширилган тасвир чизиқлари асосида тикилади. Ўзбек каштачилигида йўрма, илма, ироқи, босма, хомдўзи, чамак, чипта хаёл, баҳя чоклар кенг тарқалган. Бадий кашталарда турли жойдан турли чоклар ишлатилади. Чунончи Шаҳрисабзда йўрма, кандахаёл, ироқи, Тошкентда кўпроқ босма чоки, Бухоро, Нурота, Самарқандда йўрма чоки билан тикилади.

Чамак чоки – кашта тикиш чокларидан бири бўлиб, чапдан ўнгга икки параллел чизик бўйлаб тикилади ва ўтказилган игна ўнгдан санчилади. Сўнг

юқорига чапга томон қия қилиб чиқарилади ва пастки чизикқа параллел равишда тўғри қадалади ҳамда пасти ҳам қия қилиб чиқарилади. Чамак чоки кўшимча нақшларни рамкага олишда ёки дўппи кизакларига бадий безак беришда ишлатилади. Қайчининг кичик ўткир учлиси ишлатилади. Чамак чоки рус каштадўзлари орасида « козлик » дейилади.

Баҳя чоки – кашта четларини мустаҳкамлашга хизмат қилиб, матога худди буклагандек, лекин бир текис чок ҳамда масофа ҳисобга олиниб тикилади. Шундан сўнг мато ўгирилиб яна тикиб чиқилади, натижада текис ип чизик ҳосил қилинади. Бу чок жуда қадимдан қўлда, кейинчалик машинада тикиладиган бўлган.

Кўрпа чоки турли йўналишда, яъни чапдан ўнгга, ўнгдан чапга, юқоридан пастга, пастдан юқорига сидирға тикиб ҳосил қилинади. Ёнма-ён тикиладиган чоклар бир текис ёки гул шаклига қараб кичикдан катталашиб, каттадан-кичиклашиб боради. Бу чок (икки томонлама) санама, пилтадўзи номлар билан юритилади. Дўппидўзликда ва кашталарда жуда кенг фойдаланилади.

Чинди ҳаёл – дуруя чоки, матога игна қадалиб бир меъёрда тикиб чиқилади, тескари ўгириб яна тикиб чиқилади. Шу тарика матонинг олди ва орқа томонида бир хил гул ҳосил қилинади. Бу чок икки томони ҳам кўзга ташланадиган буюмлар, яъни сочиқ, рўмол ва бошқаларни безашда ишлатилади.

Йўрма чоки йўрмаки, илмоқли бичиқ ёки игна билан матонинг ўнг томонида халқалар занжири ҳосил қилиб тикилиб, бигизга ўтказилган ипак матонинг сиртида чап қўл билан ушлаб турилади. Йўрма чоклари билан йирик кашталарнинг хошиялари, гул ва барглари асосий шохга улайдиган банд ва бошқалар қадимдан шундай усулда тикилган. Йўрма чокдан Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё каштадўзлари кўп фойдаланадилар.

## **7- МАВЗУ** **ТЎҚИШ. СПИЦА ВА ИЛГАК БИЛАН ТЎҚИШ**

### **РЕЖА:**

1. Тўқиш, халқаларни ҳосил қилиш усуллари
2. Тўқиш технологияси

**Тўқиш, халқаларни ҳосил қилиш усуллари.** Ўзбек халқи қадимдан қўл хунармандчилиги сирларини чуқур эгаллаб келган. Жумладан, ўзбек хотин-қизлари моҳирлик билан кашта, жияк, дўппи, тўн, сўзана кабиларни тикиш билан шуғулланганлар. Улар атлас ва гиламлар тўқишган. Бор хомашёлардан фойдаланганлар. Ҳозирги кунга келиб аёлларимиз орасида қўлда кийим - кўлқопчалар тўқиш кенг ривожланиб бормоқда. Қўлда тўқилган кийим-кечаклар бетакроп ва бежиримдир. Тўқиш амалий санъатнинг бир тури бўлиб, ниҳоятда завқли ва фойдалидир. Тўқилган кийим яроқсиз бўлиб ётмайди ёки ташлаб юборилмайди. Ҳар бир тўқиш хунаридан

хабари бор хотин-қиз керакли буюмни осонликча тўқиб олади ва умуман тўқиган сари ўз-ўзига ишонч ва яратувчанлик қобилияти ортиб боради.

**Тўқиш қуроли бу- спица ва илгакдир.** Спица—асосий тўқиш қуроли бўлиб, унинг қуйидаги турлари бор.

1. Айлана тросчали.
2. Айлана найчали.
3. Тўғри икки учи учли.
4. Тўғри бир учи.

**Спицалар** — никелланган, пўлат, темир, алюмин, пластмасса ва ёғочдан ясалган бўлади. Энг фойдаланишга қулай спица пўлатдан ясалган, икки учи учли ва бир учи учли спицадир. Чунки у мустахкам бўлиб, ёғоч ва пластмасса спицалар каби синиб кетмайди. Ҳар бир спицанинг рақами бор. Спицанинг рақами унинг диаметрини билдиради.

1. Рақамли спицани диаметри 1 мм.
4. Рақамли спицани диаметри 4 мм.

Ҳар бир тўқишни ўрганувчи талабага ҳар хил рақамли спицалар бўлиши керак. Чунки ҳар бир спица ўз ўрнида ишлатилади. Бу буюмни сифатли бўлишига олиб келади.

**Илгак:** Калта [12-15см] ва [30-40см] ҳамда ингичка ва йўғон [1-6 мм] Илгаклар бор. Ҳар хил ипларни тўқишда ҳар бир ипнинг ўзига мос Илгак танланади. Илгак ипдан икки баравар йўғон бўлиши керак. Илгак пўлат, алюмин, пластмасса, мис ва темирдан ясалган бўлади. Илгакдан спицада тўқилган, матони бирлаштиришда, мато четини айлантириб тўқиб чиқилади.

## ТЎҚИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Буюмни қўлда тўқиш учун спица ёки Илгак керак бўлади. Буюмни жунли, жун аралаш ип, ипак, ип пахта, ипи, қуён ва эчки юнгларида йигирилган ип, ҳам ип ва ҳоказолардан тўқиш мумкин. Тўқиладиган буюмга шакл бериш учун андозага мувофиқ ёки ҳисобга яраша шу халқалар сони кўпайтирилади.

**Илгак ёрдамида тўқиш.** Илгак ёрдамида тўқиш қўл меҳнати турларидан биридир. Тўқишнинг асосий турлари – шнурча, устамали занжир, устамасиз занжир тўқиш билан танишиб олгач, намунага ёки расмга қараб жуда хилма-хил буюмлар тўқиш мумкин. Илгак билан жун, оддий ип ва ипакдан ҳар хил буюмлар тўқиш мумкин. Асосий асбоб – металлдан, ёғочдан, пластмассадан, суякдан ясалган илгакдир. Илгаклар: 2 дан то 6 гача номерли бўлади. Илгакнинг номери унинг йўғонлигига ва иш бажарадиган (тўқийдиган) қисмининг чуқурлигига боғлиқ. Илгак ипнинг йўғон-ингичкалигига ва сортига қараб танланади. Ип илгакнинг иш бажарадиган қисмининг чуқурлиги (илгаги)дан бир ярим-икки баробар йўғон бўлиши керак.

Тўқиш пайтида илгакни ўнг қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоғи билан ушлаш ва уни ўрта бармоқ билан ишга солиб туриш керак. Илгакда тўқилган буюмлар халқанинг шакли ва ўлчамига қараб ҳар хил бўлади. Буюмнинг текис тўқилиши учун ипни бир текис тортиб туриш, халқани боғлаш,

уларнинг сони ва шаклига риоя қилиб туриш керак. Агар халқанинг ўлчами ва шаклига риоя вқилинмаса, халқалар санаб тўқилмаса, буюмнинг кўриниши ва шакли бузилади. Тўр тўқишнинг асосий турлари устида тўхталиб ўтамиз. Булар билан талабалар танишиши лозим.

Биринчи халқа – тўқиш бу халқадан бошланади. Илгак ўнг қўлда бўлади. Ип учини халқа қилиб буклаб, чап қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоғи билан ушлаб туриш керак. Халқага илгакнинг учини суқиб ва калавадаги ипни илиб, халқа орасидан тортиб чиқарилади. Сўнгра ип яна Илгак билан илиб олинади ва ҳосил бўлган янги халқа орасидан тортиб чиқарилади. Ипнинг учи тортилади ва 1см қолдириб учи қирқиб ташланади.

Ҳаво халқаси – калавадан илгак учи билан ипни илиб халқа ҳосил қилишдир, бунда кручокнинг ўзида биринчи халқани ҳосил қилиб оламиз. Ҳаво халқасининг бир нечтаси занжир ёки шнур ҳосил қилади. Шнур ҳар қандан тўрнинг асоси ҳисобланади. Ҳаво халқасининг сони буюм ўлчамига ёки расмдаги халқа сонига боғлиқ бўлади. Ҳаво халқаси тўқишда уларнинг ўлчамлари бир хил бўлишига эътибор бериш керак.

Устамасиз занжир тўқиш. Керакли узунликдаги занжир ҳосил бўлгач, бурилиш халқаси тўқилади. Занжирни ўнг томони билан чап қўлнинг кўрсаткич бармоғи бўйлаб қўйилади ва чап қўлнинг бош бармоғи билан ушлаб туриб, илгак занжирнинг ўнг томонидан учинчи халқага суқилади (Илгакнинг ўзида турган халқа, яъни бурилиш халқаси ҳам қўшиб ҳисобланади). Калавадаги ип илгакда илиб олинади ва ҳаво халқаси орқали тортиб чиқарилади. Илгакда иккита халқа ҳосил бўлади. Яна илгак билан калавадаги ипни олиб, бу халқалар боғланади. Илгакда яна битта халқа қолади. Иккинчи қаторнинг занжирини тўқиш учун илгакни навбатдаги халқанинг ўртасига суқилади ва калавадан яна ип илиб олиб, яна ҳаво халқасидан тортиб олиб чиқарилади. Илгакда яна боғланадиган иккита халқа ҳосил бўлади. Кейинги занжирлар ҳам шу тариха тўқилади. Устамасиз занжир билан тўқилган буюмлар зич ва таранг бўлади.

Устамали занжир. Устамали занжир билан тўқилганда буюм нафис ва жимжимадор чиқади. Бир устамали занжир қуйидагича тўқилади. Биринчи (етакчи) халқали илгак учининг устига ўнг томондан ип ташланади – бу ип устама ипдир. Устама ипли илгак халқага санчилади (четидан учинчи халқа); агар устунчалар занжир билан тўқилса, калавадаги ип илиб олинади ва уни халқа шаклида илгакка тортилади. Бу вақтда илгакда иккита халқа ҳосил бўлади, уларнинг ўртасида эса устама ип бўлади. Илгак билан калавадан ип илиб олинади ва қўшни халқа билан устама ипдан тортиб ўтказилади, илгакда яна иккита халқа бўлади. Сўнгра ип илиб олинади ва бу иккала халқадан тортиб чиқарилади. Илгакда яна битта етакчи халқа ҳосил бўлади. Агар устунчалар тўқишни занжирдан бошламай, устамали ёки устамасиз занжирдан иборат полотнодан бошланса, у ҳолда биринчи устунча ҳаво халқаси билан ҳосил қилинади.

Учинчи етакчи халқадан устамали устунча тўқиш бошланади. Илгак билан ишлаган вақтда баъзи бир махсус терминларни билиб олиш керак.





Бурилиш ҳалқаси – тўқиш вақтида тўрнинг бир қаторидан иккинчи қаторига ўтишда илгакда туриладиган ҳалқадир. Илгак билан тўқилган қатор ёки занжирнинг устки қисми бир-бирига уланган ҳалқаларга ўхшайди. Тўқиладиган тўрнинг тўқилиш томонидан ташқарида, устидан турувчи ҳалқа қисми, ташқи ярим ҳалқа дейилади. Тўқувчига нисбатан нарсанинг ички томонида турувчи ҳалқа қисми ички ярим ҳалқа дейилади. Ички ва ташқи ярим ҳалқалар асосий ҳалқани ташкил қилади. Амалий қўлланмаларда ишларнинг тавсифи берилганда илгакни қайси ҳалқага – ташқи, ички ёки асосий ҳалқага суқиш кераклиги кўрсатилади.

Устунча (устамали ёки устамасиз устунча) тўқиб бўлгандан кейин илгакда қолган ҳалқа етакчи ҳалқа дейилади. У кейинги устунча ёки занжирнинг бошланиши ҳисобланади.

Айрим буюмларни тўқиган вақтда уларни кенгайтириш ёки зичлаштириш, яъни ҳалқа сонини камайтириш ёки кўпайтириш керак бўлади. Ҳалқа кўшиш учун асосий ҳалқага устамали ёки устамасиз битта ҳалқа эмас, иккита, учта ҳалқа тўқиш керак. Буюмни кўшимча ҳаво ҳалқалари билан кенгайтириш мумкин, бу ҳалқалар устамали ёки устамасиз устунчалар орасига тўқилади.

Буюмларни зичлаштириш учун ҳалқалар сонини қисқартириш лозим: устамали ёки устамасиз устунчалар асосий ҳалқага тўқилмай, оралатиб тўқилади. Илгак билан тўқишни ўрганиш учун ҳаво ҳалқаси бир хил бўлган занжир тўқишни машқ қилиш керак. Тўқилган занжирни боғич ўрнида ишлатиш мумкин (нарсалар осиш, папкаларга боғич қилиш ва бошқалар). Агар узунлиги 25см ли боғич керак бўлса, ип уч баробар ортиқ олинади. Суякдан ишланган илгак билан қалин ип ёки сутадан занжир тўқишни ўрганиш осон бўлади.



**Болаларнинг занжирдан ясалган сумкаси.** Агар сутадан 2,5м узунликдаги иккита занжир тўқилса, у болалар сумкачаси учун хомашё

бўлади. Ҳар бир занжирдан сумкачанинг ярим палласи ҳосил бўлади. 15X15см қалин қоғоз устига занжирнинг ўнгини ичкарига қилиб спиралга ўхшатиб ўралади ва хомашё текис бўлиши учун қоғозга тикиб қўйилади. Занжирнинг четлари йўрмаб тикилади. Спираль бўйлаб чок тикилади. Тикилатган занжирдан 25см қолгач, уни доиранинг четига маҳкамлаб тикилади, иккинчи учини эса айлана узунлигининг тўртдан бир қисмига тенг келадиган масофада хомашё четига тикилади. Бу сумкачанинг дастаси бўлади. Сумканинг иккинчи палласи ҳам ҳудди шундай тўқилади. Иккала доира тайёр бўлгач, режа ва қоғоз олиб ташланади, сўнгра уларнинг ўнг томонини бир-бирига қаратиб бирлаштирилади ва четлари тикилади. Фақат дастаси ўрнатилган томонини чети тикилмайди. Шнур ёки сумкача учун занжир тўқиш тўқишга доир бошқа ишларни бажариш учун жуда яхши тайёргарлик бўлади.




**Нонушта солиб қўйиладиган сумкача.** Нонушта солиб қўйиладиган сумкача ҳам устамали устунча усулида тўқилади. Буюмнинг жимжимадор бўлиши учун ҳар бир устунча орасига иккита ҳаво ҳалқаси тўқилади. Сумкачани ирис ёки қоғоз ипдан тўқиш мумкин. сутаждан тўқилган сумкача анча пишиқ, лекин кўполроқ бўлади. Нонушта учун сумкача тўқиш 12-15см ли занжирдан бошланади. Бу занжир атрофига ораларига иккитадан ҳаво ҳалқаси тўқилган устамали устунчалар тўқилади. Бурилиш жойида асоснинг битта ҳалқасига ораларида иккитадан ҳаво ҳалқаси бўлган устамали 4 та устунча тўқилади. Иккинчи қаторларда кейинги қаторларда ҳар бир қаторнинг устунчалари ўзидан олдинги қаторнинг устунчасига киритиб

тўқилади. Сумкачанинг охири қатори туташ устунчалар билан тўқилади. Дастасини бир қаторда 3-4 устамали устунчалар билан тўқилади.




**Шиппак.** Бино ичида жисмоний тарбия машқлари вақтида кийиш учун қулайгина шиппак тўқиб олиш мумкин. уни исталган рангдаги ҳар қандай оддий ипдан тўқиш мумкин. Иш бошлашдан олдин оёқни ўлчаб олиш керак. Оёқни бир варақ қоғозга қўйиб четидан қалам юритиб чиқилади. Қалам изидан қоғозни қирқиб оёқнинг андазасини оламиз. Шиппак тўқиш вақтида тумшуғининг энини ва бутун бўйини ана шу андазага қараб мўлжаллаймиз. Тўқишни 6 та ҳаво ҳалқасидан тўқилган занжирдан бошлаймиз. Занжирнинг учларини бириктириб, берк ҳалқа ҳосил қиламиз. Бу ҳалқа атрофида устамасиз 10 та устунча тўқиймиз, бунда Илгакни ҳалқанинг ўртасига киритиб тўқиймиз, кейин бу йўғон ҳалқа атрофини тўқиймиз ва ҳар бир қаторга 3-4 тадан устун қўшиб борамиз. Шиппакни жуда кенг ёки тор қилиб қўймаслик учун бажараётган ишимизни вақти-вақти билан андазага солиштириб кўрамиз. Шиппак тумшуғининг эни андаза энига етмагунча тўқишни давом эттира бериш керак. Сўнгра ҳалқа қўшмасдан 7-8 қатор (ёки андазага мувофиқ кўпроқ) тўқиймиз. Шиппакнинг тумшуғи ташқи томондан халтачага ўхшайди. Шиппакнинг тумшуғини тўқиб бўлгач, ён томонлари ва тагини тўқишга киришамиз. Агар биз ҳозирга қалар доира бўйлаб. Бирдан иккинчисига ўтиб тўқиймиз. Бу қуйидагича бажарилади: шиппакнинг тумшуғи халтачанинг қисмини тўқиб бўлиб ҳалқани айлантирамиз ва тескари томонга устун тўқиймиз. Андазага қараб шиппакнинг ён томонлари ва

тагини тўқиймиз. Тўқилган шиппакнинг ҳамма ўлчамлари андазадагига мос келса, уни иккига буклаймизда, товонини бириктирамиз. Шундай қилиб, шиппак тайёр бўлади. Ипни узмасдан туриб, устамасиз устунча усули билан шиппакнинг оёқ кирадиган оғзи тўқилади. Шиппакнинг иккинчи пойи ҳам худди шундай тўқилади.



**Болалар бошмоқчаси.** Жун ёки оддий ипдан ҳали юра олмайдиган болалар учун бошмоқча тўқиш мумкин. Бошмоқчанинг узунлигини билиш учун ўлчов олиш: қоғоз устига оёқнинг тагини тушуриш керак. Иш бошмоқча тумшуғини тўқишдан бошланади. Олита ҳалқадан иборат занжир тўқиймиз. Занжирни маҳкамлашимиз керак. Бунинг учун етакчи ҳалқали илгакни энг четидан иккинчи ҳалқага қадаймиз ва устамасиз устунча тўқиймиз. Занжир бўйлаб яна тўртта устунча тўқиб, охирига етказамиз. 2-3 та ҳаво ҳалқаси тўқиб, занжир тўқишни қарама-қарши томондан давом эттирамиз. Сўнгра иккинчи қаторга ўтамиз ва 2-3 та ҳаво ҳалқаси бор жойгача тўқиймиз. Аввалги қаторга қараганда, бу қаторда ҳам 2-3 та ҳалқа кўшамиз. Бошмоқча тумшуғидан бошлаб унинг юзи чизигини ҳосил қилиш учун шундай қилинади. Ҳалқа кўшиш бошмоқчанинг юза томонидан 2-3 ҳаво ҳалқаси тўқиш ҳисобига бўлади. Бу ҳалқаларга ҳар бир қатор билан иккитадан кўшимча устамасиз устунча тўқиймиз. Юза қаршисидаги қисми оёқ кафти ҳисобланади. Бунда бошмоқча пайпоқ сингари, яъни бошмоқчанинг тумшуғини тўқигандаги доира бўйича тўқилади. Сўнгра ипни узмасдан, бошмоқчанинг орқасини тўқишга киришамиз. Бошмоқчанинг кўнжи чуқурроқ бўлиши учун, аввал 10 та ҳаво ҳалқаси тўқиб олиш керак, сўнгра илгакни тескари томонга айлантриб, учинчи ҳалқадан бошлаб устамали устунча ёрдамида занжир тўқиймиз. Сўнгра бошмоқчанинг асосий қисмини устунча билан тўқишни давом эттирамиз. Ҳалтачанинг қисмини

тўқиб бўлиб, яна 10 та ҳаво ҳалқаси тўқиймиз, у бошмоқчанинг иккинчи томонидан орқасини тўқиш учун керак бўлади. Илгакни тескари томонга айлантриб, устунча усулида занжир тўқиймиз ва бошмоқчанинг бу қисмини бутун узунлиги бўйича тўқиймиз.




Шу усулда 12-14 қатор тўқиймиз, қатор сони боланинг оёқ андазасининг узунлигига боғлиқ. Товоннинг четларини тикиб ёки илгакда тўқиб бириктираамиз. Бошмоқчани безаш учун унинг устки қисмини устамали ёки устамасиз устунча билан тўқиймиз. Бошмоқчанинг оёқдан тушиб қолмаслиги учун шнур тўқиб тўпикдан юқорига ўтказамиз.

**Дўппи.** Дўппини нақшли ёки нақшсиз, устамали ёки устамасиз устунча усулида тўқиш мумкин. Ҳар қандай усулда тўқишни ҳам 5-6 та ҳаво ҳалқасини ҳалқа қилиб тўқишдан бошлаш керак. Дўппини устамали устунча усулида тўқиш учун ҳалқа устига 8-10 устунча тўқилади. Бу биринчи қатор бўлади. Қолган қаторлар доира бўйлаб тўқилади. Ҳар бир қаторга 5-6 тадан ҳалқа қўшиб борилади, бунда доиранинг чети илон изи бўлиб қолмаслигига диққат қилиб бориш керак. Диаметри 10-12см бўлган доира тўқигач, ҳалқалар сони (2-3тага) камайтиради. Натижада доиранинг чети торайиб, буюм тақсимча шаклига келади. Дўппи ҳосил бўлгунча тўқиш давом эттирилади. Дўппининг четини кунгурадор қилиб безаш мумкин. кунгура устамали устунча усулида тўқилади. Ҳар бир кунгура 6-7 та устунчадан иборат.

Дўппини кунгура билан безаш учун илгак устига ҳалқа солинади ва етакчи устунчадан 3-4 та ҳалқа ташлаб дўппи чети бўйлаб ип илгак учиде тортилади. Илгакда 3та ҳалқа бўлади. Аввал улардан иккитасини тўқиймиз, сўнгра илгакда етакчи ҳалқа қолгунча яна иккитасини тўқиймиз. Биринчи устунча ҳосил бўлгач, яна илгакни ўша ҳалқага суқиб, иккинчисини, учинчисини ва ҳоказо, то еттинчи устунча ҳосил бўлгунча тўқиймиз. Битта ҳалқадан чиққан елпиғичсимон устунчалар дастаси ҳосил бўлади. Чапдан 3-4 та ҳалқа ташлаб етакчи ҳалқани илгакни дўппи четига сукамиз ва ипни илиб олиб устамасиз устунча тўқиймиз. сўнгра бошқа кунгураларни ҳам шу усулда тўқиймиз. Дўппи устамали устунчалар билан тўқилса, вақт анча тежалади, чунки бундай тўқишда, ҳар бир қатор тўқилгач, буюм сезиларли даражада

катталашади. Оддий устунчалар билан тўқилгандагидек, бу ҳолда ҳам ҳар бир қаторга 5-6тадан устамали устунча яъни битта ҳалқага иккита устунча қўшиб борилади. 10-11см диаметри доира тайёр бўлгач, ҳалқа кўшиш 2-3 га камайтиради.



### ЮМШОҚ ЎЙИНЧОҚЛАР ТАЙЁРЛАШ РЕЖА:

1. Юмшоқ ўйинчоқ тайёрлаш учун зарурий ашёлар
2. Юмшоқ ўйинчоқ тайёрлаш жараёни

Ҳозирги пайтда юмшоқ ўйинчоқларга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Шунга кўра, биз мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари, бошланғич синф ўқитувчиларининг ишларини енгилаштириш мақсадида асосан кўғирчоқ театри тўғаракларида қўлланиб келинаётган ўйинчоқлар намунасини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик. Бу ўйинчоқлар таркибига, безакларига шароитдан келиб чиқиб ва маҳоратингизга кўра айрим ўзгаришлар киритишингиз мумкин. Ўйинчоқларни берилган катакчалар ёрдамида 2,3,4 ва бир неча марта катталаштиб андозани унга кўра тайёрлаш қулайдир. Тикиш усулларини эса яхши биласиз. Ҳар бир ўйинчоқнинг қисмлари бир-бирга тикилгач, ички қисмларини ташқарига ағдаришни унутманг. Лекин унинг ичига эса газлама бўлаклари, қийқимлар, пахта тикилиши мумкин. Айрим ўйинчоқларнинг олд ва орқа оёқлари маҳкам туриши учун симдан каркас сифатида фойдаланилади. Кўз, шохчаларни ёғочдан ҳам тайёрлаш мумкин. Баъзан кўз сифатида чиройли тугмачалардан ҳам фойдаланиш тавсия этилади. Мазкур деталлар картондан ясаладиган бўлса, гуаш, акварелда бўялиб, устидан лак копланди.

Керакли асбоблар:

1. Игналарнинг турли катта кичиклари.
2. Ғалтакли турли рангдаги иплар.
3. Рангли мулина иплари.
4. Турли рангдаги ипакли иплар.
5. Қайчи 6 дона.

6. Бигиз.
7. Омбир 1 дона.
8. Дазмол.
9. Ёғочли, темирли тайёқча (пахта тўлдириш учун)
10. Тикув машинаси.
11. Оддий қаламлар.
12. Лой ясашда ишлатиладиган таёқча.
13. Расм чизиш учун мўйқаламлар.
14. Доиравий омбур 2 дона.
15. Ҳар хил катталиқдаги игна.
16. Ҳар хил рангдаги №10, №40, №50, №60 турли қалинликдаги иплар.
17. Ҳар хил рангдаги ипак ип.
18. Дағал иплар.
19. Юмшоқ жағли омбир.
20. Ўткир жағли омбир.
21. Ангишвона.
22. Думалоқ ёғоч (пахта тикиш учун)
23. Қалам.

Керакли ашёлар:

Юмшоқ ўйинчоқ учун иложи борича янги мато ёки аввалдан ювиб, дазмолланган сатин, бархат, штапил, пахмоқ, чит, жунли матолар.

Ўйинчоқ ҳайвонларни тайёрлаш учун, сунъий ва табиий жун матоларидан фойдаланилади. Тана, юз кўринишларини тасвирловчи кўғирчоқ ўйинчоқлари учун шифон, шойи матолар. Юз учун оч пушти, оч жигарранги матодан олинади.

Кийимлари учун: рангли матолар. Соч учун: сунъий иплар, вискоза, қисмларни бириктиришда 1-2 мм юмшоқ симлардан ўйинчоқларни жихозлашда, ҳар хил тугмача, бисер, тисма, лентачалар, шнурлар ҳамда эскиз тайёрлаш учун пластилин зарур. Ўйинчоқ ичини пахта, синтефон, трикотаж чиқиндилари, аверло тикишда чиққан қириндилар, ёғочдан чиққан қипик билан тўлдириш мумкин.

Юмшоқ ўйинчоқ тайёрлашга ўргатиш ишини нимадан бошлаш керак? Дастлаб, болаларни игна ушлашда, игна тўғноғичдан ўринли фойдаланишга, сўнг энг оддий чок турларини тикишга ўргатиш зарур. Чок турларини ўргатиш учун амалий бир неча иш тавсия этилади (рўмолча тикиш, халтача, китоб учун хатчўп) бу эса болаларни чок турларни тикиш малакасини эгаллашларига шароит яратади. Болаларда игна билан ишлаш малакаси ҳосил бўлгандан сўнг, оддий модел тайёрлашга ўтилади. Кичик болалар қўлда тикадилар, каттароқ болалар тикув машинада тикишлари мумкин.

Юмшоқ ўйинчоқ тайёрлаш жараёни қуйидаги ишлардан иборат: мато танлаш, ғижим бўлак матони дазмоллаш, матога андозани чизиш, қисмларни бичиш, тикиш, ичини тўлдириш, устини жихозлаш.

Андоза картондан тайёрланади. Бичишда мато иккига букланади, унинг чап томонига андоза қўйиб, учи яхши очилган қалам билан тайёрланаётган бўлса, андоза ҳар бир бўлак мато устига ипини қиялаб йўналган томонига

қўйилади. Тўқ мато бўлса, андоза оқ ёки сариқ рангли қалам билан, оч рангли мато бўлса қора рангли учи яхши очилган қаламдан фойдаланилади.

Чизиб олинган мато ҳар томонидан 0,5 см чок учун қолдириб, қирқилади, сўнг қўлда ёки машинада тикилади. Бурчаклари ўнг томонидан чиқарилади. Тайёр тикилган шакл метал таёқча ёрдамида ўтмас томони билан ўнгига ағдарилади.

Агар ўйинчоқ табиий жундан тайёрланаётган бўлса, чок хақи қолдирилади, четлари қалин ипда тикилади. Ўйинчоқ титилувчан матодан бўлса чок хақи қодирилмайди, ўйинчоқ бичиб бўлгандан сўнг, устки қисмдан халқа чоки билан тикилади.

Ҳайвон ва қушларни тикиш қуйидаги қоида бўйича: аввал тана ва қорин қисмлар бир бирига тикилади. Шаклнинг икки ярми тайёр бўлгандан сўнг уларни бирга тикилади. Шакл ўнгига ағдарилиб, очиқ қолдирилган жойдан ичи тўлдирилади, қисмлар бир-бирига кўринмас чок билан бирлаштириб тикилади. Ўйинчоқнинг ичи пахта ёки майда мато қийқимлари билан тўлдирилади оёқ қисмларини таёқча ёрдамида тўлдирилади. Болалар техник жараён билан таништирилгандан сўнг ўйинчоқ тайёрлашга ўтилади.

Ўйинчоқ тайёрланишнинг мураккаблик босқичига қараб икки гуруҳга ажратилади:

1-гуруҳ (кичик болалар) енгил тўлдириладиган ўйинчоқлар (товуқ, матрешка қўғирчоғи, пингвин, ўрдакча, кучукча, филча, қуёнча, айиқча, хўтикча, жирафа, пастки қисми тикилган қўғирчоқ).

2- гуруҳ қўғирчоқ театри учун қўғирчоқ персонажлари (айиқча, маймунча, қўғирчоқ, мушук, сим синч ўрнатилган ўйинчоқ).

Эслатма: берилган андоза қандай катталиқда бўлса шундайлигича тикилиши керак. Катталаштиришга берилган, катталаштириши керак бўлган ўйинчоқ катак ичида чизилади.


Ўйинчоқлар тайёрлашни катталар ҳам, болалар ҳам яхши кўрадилар. Булар болалар учун бир эрмак ўйин бўлса, катталар учун болалар қалбига йўл топишдир. Ўйинчоқлар ясаш болаларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. савиясини кенгайтиради, ижодиётга қизиқишни тарбиялайди. Ўйинчоқларни болалар билан бирга ясаш ва меҳнат қилиш бўлиб қолмасдан, балки ижод қилиш, фикрлаш ҳамдир. Улар ўзлари ясаган ўйинчоқларида ўзларини ажойиб-ғаройиб истакларини, муҳаббатларини, меҳнатларини сарфлайдилар. Шунинг учун уларнинг меҳнатларини кадрлаш ва меҳнат қилишга қизиқтириш лозим. Бу эса уларда мақсадга интилувчанлик, ташаббускорлик, тиришқоқлик, ўзаро ёрдам бериш, меҳнатсеварлик, эътиборлилик, батартиблиқни тарбиялайди.

Қўғирчоқ театри, мазмунли-ролли ўйинлар, эртақлар, ҳикоялар учун қўғирчоқларни тайёрлаш анча меҳнатни талаб қилади. Шунинг учун катталар болаларга андозаларни тайёрлаш тикиш йўлларини тушунтириб бериш зарур. Ўйинчоқларни тайёрлашда ҳар хил матолар қийқимларидан, эски кийимлардан фойдаланиш мумкин (чит, паҳмоқ, трикотаж, жунли матолар, мовут, эски телпаклар).




Ўйинчоқларни тикишда чок, йўрма чок, ковиқ чок, босма чок, сиртмоқсимон чоклардан фойдаланилади. Ўйинчоқ тайёрлашда, энг аввало, картондан андоза тайёрланади. Берилган чизмаларни катталаштириш лозим бўлса, керакли ўлчамда катакчалар чизиб олиб, уларни ва чизмадаги катакчалар бир хил сонлар билан белгиланади. Сўнг ҳар бир катакнинг ичидаги чизма чизиб чиқилади. Шунда чизма керакли ўлчамда катталаштирилади. Андоза газмолга қўйиб бичилади. Бичишда газмолдан 8 мм тикиш учун қолдириб сўнг қирқилади. Тикиш тайёрланган ўйинчоқни ичи ҳар хил пахта, паролон ва трикотаж қийқимлари билан тўлдириб, тайёрланади. Бош қисмини безатиш учун тугмача, мунчоқ, ялтироқ чарм ёки клеёнка ишлатилади.

**Сичқонча ўйинчоғини тикиш.** Сичқончани оч хаво ранг ёки кул рангдаги сидирға матодан тикиш мумкин. Мато устига тана андозасини қўйиб икки мартаба чизиб олинг, аввал бир томони кейингисини қорин андозасини ҳам худди шундай чизиб олинг. Ҳамма андозаларни чизиб олганингиздан кейин матодан қирқиб олиб, тананинг бир томонига қорининг бир томонини халқа чоки билан тикасиз. Тикишда кўрсатилган харфларга эътибор беринг. Аввал 4 та қулоқ деталини иккитасини алохида тикасиз. Андозанинг бош қисмига **в** ва **г** нуқта, бу ерга пешонаси тикилади. Бош қисмининг икки томонига қулоқлари тикилади. Тайёр бўлгандан сўнг ичига пахта солиб кўзини кўзмунчоқ донасидан тикамиз.



**Мушукча ўйинчоғини тикиш.** Матолар: мўйнали газламалар, трикотаж пахта. Мушук ясаш учун расмда кўрсатилган чизма асосида андоза тайёрланиб, газмолдан қуйидаги деталлар қилади. Тана-2та, тана таги-2та, (биттаси картондан, иккинчиси газмолдан), дум-1та, бош-2та, тумшуғи учун ёпиқ-1та, қулоқ-4та, кўз-2 тадан тайёрланади.

Қирқилган деталлар жуфтланиб кўкланади, сўнг ўнгига текислаб шаклга келтирилади. Мушукнинг танаси таглик билан бекитилади. Танасига чизмада кўрсатилган жойга яширин чок билан боши ва думи тикилади. Оқ пахта ёки трикотаждан тумшуғи учун ёпқич бичилиб, рамкаси занжирсимон чок билан тикилади. Тикиб бўлгандан сўнг шаклга ип билан бир неча марта ўралади ва ўртасидан чизиқлар билан кўрсатиб қўйилган бош қисмидаги жойга тикилади. Бошнинг учига бурун пушти мунчоқдан ёки тугмачадан тикилади. Бошнинг пастки қисмига ён томонларига қора чармдан кўз қорачиғи, зангори мовутдан кўз ости қирқиб тикилади. Қулоқлари икки рангдан, ташқариси гавдаси рангидан, ичкараси пушти пахмоқ ёки трикотаждан қирқилиб бирлаштирилади. Сўнг ўнгига айлантеририб, озгина чўзилади ва бош қисмидан кўрсатилган жойга тикилади.



### «Петрушка»

Машғулот

кўғирчоғини яшаш

усуллари ҳақида тушунча бериш. игна, ипдан, туғри фоидаланиш, ип учини туғиш малакаларини ўстириш. Ясайдиган ўйинчоққа мос мато ва унга мос рангда ип танлашга ўргатиш, матони тежаб ишлатиш ва қайчидан эҳтиёткорлик билан фойдаланишга одатлантириш. Ишни сифатли қилиб охирига етказиш малакаларини мустаҳкамлаш.

Машғулотни жиҳозлаш: ҳар хил рангдаги драп матолари, пахта, ип ва игна.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: болалар, бугун бизга ким меҳмон бўлиб келди? Қани қаранглар-чи уни танийсизларми? Ҳа, тўғри бу кўғирчоқ «Петрушка». Қаранглар бу кўғирчоқ петрушкамиз жуда қувноқ, шўх рақсга тушишни билади. Мана қаранглар (петрушкани рақсга туширади). Энди болажонлар сизлар билан биргаликда қувноқ петрушка ўйинчоғини матодан тикамиз. Мен сизларга «Петрушка» кўғирчоғини тикиш усуллари тушунтириб кўрсатиб бераман. Биринчи бўлиб Петрушкамизнинг бошини тикиб оламиз. Бошини дум-думалоқ ҳолда тикиб, буйин қисми очиқ ҳолда тикилмай қолдирилади, Сўнгра, тикилган бош қисмининг ички қисми ўнгига ағдарилади. Бош қисмига пахтадан бир текисда тифиз қилиб солинади, бошнинг ўртасидан битта бармоқ кенлигида жой қолдирилади. Мана Петрушканинг бош қисми тайёр бўлди. Уни бир томонга қўямиз. Навбатдаги

иш Петрушканинг тана қисмини тайёрлаш бўлиб, бунинг учун бизга қаттиқ драп мато керак бўлади. Ундан конус шакли қирқиб олинади. Сўнгра, қирқиб олинган конуснинг бир томони тикилади. Конус шаклида тайёрланган Петрушка танаси ўнгига ағдарилади ва унинг учки томони бош қисмининг очик қолдирилган қисмига ўрнатилади. Қаранглар, Петрушкамизнинг бош қисми ва танаси тайёр бўлди. Энди Петрушканинг тана қисмини турли рангдаги матолар билан тикиб маҳкамлаймиз. Энди Петрушкамизнинг қўлларини ясаймиз. Бунинг учун андоза ёрдамида Петрушканинг қўллари бичиб олинади ва икки бўлак қилиб бир-бирига тикиб чиқилади. Ўнг ва чап қўллар тайёр бўлганидан сўнг, бош ва ўрта бармоқларга кийиб кўрилади. Сўнг Петрушканинг конуссимон танасидан бош ва ўрта бармоқлар баландлигида тешиklar очилиб, қўл тикиб қўйилади. Энди аввал тайёрланган бош қисми олиб, қора драп матодан Петрушканинг кўз-қош, сочлари қирқиб олинади. Озгина қизил матодан оғзини қирқиб оламиз. Сўнгра кўз, қош, сочлар бош қисмига ёпиштирилади. Охирги қиладиган ишимиз Петрушканинг шляпасини /соябонини/ яшадир. Бунинг учун қора драп матодан конус шаклини қирқамиз. Шунингдек, яна доира шаклида ҳам қирқиб, унинг ўртасини белгилаб оламиз. Конус шаклини тикиб ағдарамиз. Ағдарилган конусни доиранинг қирқилган қисмига тикамиз. Доира ва конуснинг диаметри бир хил катталиқда бўлиши керак. Тайёр бўлган соябонни Петрушканинг бош қисмига тўрт томонидан тикиб ўрнатамиз.

Сўнг, болаларнинг ўзлари мустақил ишлашга таклиф этилади. Қийналган болаларга яшаш усуллари алоҳида тушунтирилиб, кўрсатиб берилади.

Машғулотнинг якуни:

Болалар иши рағбатлантирилади. Тайёрланган "Петрушка" кўғирчоғи иштирокида баъзи бир саҳналаштирилган кўринишлар намойиш этилади. Болалар боғчасида меҳнат фаолияти учун зарур бўлган барча жиҳозлар етарли бўлиши керак. Зарур асбоб - анжомлар, асбоб - ускуналар гигиеник томондан болалар ҳаёти ҳамда соғлигини муҳофаза қилиш қоидаларига қатъий мувофиқ келиши лозим. Шунингдек, болалар томонидан фойдаланилган материаллар эгилувчан ва ишлов бериш осон бўлиши, асбоб - анжомлар эса уларнинг ёш хусусиятларига мос равишда танланиши керак. Бундан ташқари, болалар асбоб-анжомлар сақланадиган жойни яхши билишлари ҳамда машғулот тугагач уларнинг ўрнини топиб тозалаб, озодагарчилик талабларига риоя қилишлари ҳамisha диққат марказида бўлмоғи лозим.

**Юмшоқ ўйинчоқ андозасини катталаштириш усули.** Юмшоқ ўйинчоқ андозасини катталаштириш учун, энг аввало, кичик андозани катакли қоғозга тушуриб оламиз.(0,5см) Андозани катталаштиришда ўзимиз хоҳлаган катталиқка келтириш учун унинг тахминий кўринишини тасаввур қилиш лозим. Шундан сўнг катакли қоғозни олиб, уни 1 см ли ( 2 см ли) қилиб чизиб чиқамиз. Бу андозани қанчалик катталаштиришингизга боғлиқ. Чизилган катакли қоғозни олиб кичик андозадан ҳар бир қисми

катталаштирамиз. Ҳар бир катакни биттадан чизиш лозим. Шунда андозани катталашган ҳолда оламиз. Агар миллиметровка бўлса янаям яхши бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Болалар боғчасида эстетик тарбия ( Н.А.Ветлугина таҳрири остида). Т., Ўқитувчи, 1981.
2. Сакулина Н.П. Рисунок, аппликация, работа с глиной в детском саду. М.: Просвещение. 1993.
3. Л.В.Куцакова. «Конструирование и ручной труд в детском саду». М.: «Просвещение»..1990.
4. О.Жамоллидинова. «Катта боғча болаларини халқ хунармандчилигига ўргатиш бўйича иш дастури» Т.:1996.
5. З.В.Лиштван «Конструирование» М.: «Просвещение».1981г.
6. М.А.Гусакова. Аппликация. М., «Просвещение» 1977.
7. Сакулина Н.П. Рисунок, аппликация, работа с глиной в детском саду. М.: Просвещение. 1993.
8. М.Нурматова, Ш.Хасанова. Д.Азимова. Устахонада амалий машғулот. «Чўлпон». Т., 2010 й.
9. М.Нурматова, Ш.Хасанова. Расм, буюм яшаш ва тасвирий фаолият методикаси. «Муסיқа». Т., 2010